КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши. № 79 (13.035). 6 АПРЕЛЬ 1965 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Совет партия-ҳукумат делегацияси қардош Венгриядан Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси 5 апрелда Будапештдан Москвага қайтиб келди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг таклифига биноан, делегация Будапештда дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турди ва Венгрия озод қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Д. Ф. Устинов ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

ВАРШАВА, 5 апрель. ТАСС махсус мухбирлари Г. КИСЕЛЕВ ва В. КУЗНЕЦОВ хабар берадилар:

Варшава бугун КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясини қардошларча самимий кутиб олди. Делегация Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша Халқ Республикаси Министрлар советининг таклифига биноан СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги шартномани имзолаш учун бу ерга расмий дўстлик визити билан келди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. И. Крилов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Украина КП Киев область комитетининг биринчи секретари В. И. Дрозденко, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Польша Халқ Республикасидаги элчиси А. Б. Аристовлар бор.

Гданьск вокзали Польша Халқ Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан безатилган. Ҳурматли меҳмонларни кутиб олиш учун Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Владислав Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юзеф Цираннкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзолари ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретарлари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгаши ҳамда ҳукуматининг аъзолари, таниқли партия ва давлат арбоблари, Польша пойтахти жамоатчилигининг вакиллари келдилар.

СССР партия-ҳукумат делегацияси тушган поезд перроига яқинлашиб келади. Польша Бирлашган ишчи партияси ва Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари делегация аъзоларини қизғин ва самимий табриклайдилар. СССР ва Польша Халқ Республикаси давлат гимнининг садолари янграйди. Л. И. Брежнев, В. Гомулка, А. Н. Косигин ва Ю. Цираннкевич ўртоқлар полян қўшинлари фахрий қоровули сафи олдидан ўтадилар, дипломатия корпуси аъзолари билан саломлашиб кўришадилар. Шундан кейин улар минбарга қараб йўл оладилар.

Вокзал олдидаги майдонга тўпланган Варшава меҳнаткашлари совет халқининг вакилларини гоят самимий табриклайдилар.

В. Гомулка Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети, Польша Халқ Республикаси ҳукумати номидан, пойтахт жамоатчилиги ва бутун полян халқи номидан совет меҳмонларини табриклайди. Биз, дейди у, сиз орқали халқ Польшасининг содиқ иттифоқчиси ва самимий дўсти — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини, бизга қардош бўлган халқни ва унинг етакчи кучи — қаҳрамон Ленин партиясини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини табрик лаймиз.

В. Гомулка ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига, шунингдек Европада тинчлик манфаатларига хизмат қилаётган Польша—Совет Иттифоқи гоят мустаҳкам иттифоқ эканлигини таъкидлаб, бундай деди: бизнинг партияларимиз тамомила якдиллик билан шуни изҳор қиладиларки, империализм кучларининг агрессив кирдикорларига қарши нурашда, тинчлик ва халқлар озодлиги учун нурашда барча социалистик мамлакатларнинг ва барча коммунистик ҳамда ишчи партияларининг куч-ғайратини бирлаштириш замонамизнинг энг зарур талабидир.

Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлайди.

Л. И. Брежнев самимий нутқ олганликлари учун ва Совет Иттифоқи ҳамда Совет партия-ҳукумат делегацияси шаънига айтилган самимий сўзлар учун ташаккур билдирди.

Биз, совет халқининг вакиллари, деди Л. И. Брежнев, халқларимиз ўртасидаги муносабатларда жуда катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ишда қатнашиш шарафига муяссар бўлдик. Мен бунда СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг яқинда имзоланишини кўзда тутаман.

Бундан 20 йил муқаддам, халқларнинг гитлерчилар фашизмига қарши буюк озодлик уруши тамом бўлган чоқда Совет Иттифоқи ва Польша дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган эдилар. Урушдан кейинги йиллар, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, бу шартнома СССР билан Польша ўртасидаги қардошларча иттифоқ ва ҳамкорликнинг негизи сифатида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Шу кунларда бу шартноманинг муддати тамом бўлиши муносабати билан, деди Л. И. Брежнев, Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси янги ҳужжатни — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани имзолашга қарор бердилар. Бу шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасида яхши қўшничилик ва чинакам қардошлик муносабатларини, шубҳасиз, янада мустаҳкамлайди ва Европада тинчликнинг муҳим омили бўлади.

Л. И. Брежнев ва В. Гомулка, А. Н. Косигин ва Ю. Цираннкевич очиқ автомашиналарга чиқадилар ва резиденция томон йўл оладилар. Минг-минглаб варшаваликлар гулдасталар ва байроқчалар билан ҳурматли меҳмонларни табриклайдилар. Машиналар ўтиб борган йўл қизил ва оқ-қизил байроқлар билан безатилган.

Варшава аҳолисининг СССР партия-ҳукумат делегациясини кутиб олиши йил сайин мустаҳкамланиб бораётган Совет—Польша дўстлигининг ва ҳар иккала қардош мамлакат халқлари ўртасидаги ҳар томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кучли намойишига айланди.

КОНКРЕТЛИК, ЖАНГОВАРЛИК УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми бутун совет халқи, бутун партия олдида янги истиқболлар очиб берди. Партиямиз сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида юз берган вазиятни ленинча маҳорат, донолик ва жасорат билан анализ қилиб, бор гапни халққа ошкора айтди, деҳқончиликнинг ўсиш суръатларида юз берган секинлик ва сусткашликнинг туб сабабларини очиб ташлади ва мамлакат экономикаси ҳамда халқнинг турмуш даражасини ошириш манфаатларини кўзлаб, қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантиришнинг конкрет ва амалий программасини белгилаб берди.

Ҳамма жойда бўлгани каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг янги режалари оқибат натижада социалистик экономиканы ва халқ фаровонлигини оширишнинг бирдан-бир ва гоят муҳим йўли деб таъкидладилар.

Бу йил республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида улкан вазифалар турибди. 1965 йилда мамлакатга 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, суғориладиган 68 минг гектар ерни ўзлаштириш, 1 миллион 80 минг тонна дон етиштириш ва давлатга камида 290 минг тонна дон, шу жумладан 67 минг тонна шоли сотиш, колхозларда ва давлат хўжаликларида 450 минг тонна сабзавот, 200 минг тонна картошка, 360 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш, давлатга баҳорги қурт боқиш ҳисобига камида 16,5 минг тонна юқори сифатли пилла сотиш, 252 минг тонна каноп поясини ва 8 минг тонна тамаки етиштириш, 106 минг тонна гўшт (сўйилган вазнда), 336 минг тонна сут, 120 миллион дона тухум тайёрлаш вазифаси қўйилган. Кўриниб турибдики, зиммага олинган мажбурият гоят катта ва беқиёс масъулиятлидир. Партия, совет органларининг, ҳар бир колхоз ва совхоз коллективининг бу йилги ишига ана шу мажбуриятнинг бажарилишига қанчалик ҳисса қўшганига қараб баҳо берилади.

Партия қўйётган катта талаблар, турмушнинг ўзи, ҳаёт илгари сураётган вазифалар янгича ишлашни, қишлоқ хўжалигига янгича раҳбарлик қилишни, бу раҳбарликни такомиллаштириш ва унинг янги усул-методларини кенг қўлланишни тақозо этмоқда. Партия ташкилотларининг раҳбарлиги шундай изчил, конкрет ва аниқ бўлиши керакки, тоғи бу раҳбарлик қишлоқ хўжалигини тез ривожлантиришни амалда таъминлай олсин.

Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнатда нўрсатаётган жасорати оммавий қаҳрамонликлар яратиш учун порлоқ йўл очиб берди. Саҳоватли бағрини Олтин Юлдузлар билан улуғлаган кишилар эндиликда якка-ёлғиз эмас, улар мингларча, ўн мингларчадир. Гарчи, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эга бўлса ҳам, номи ҳали элга ёйилмаган азаматларимиз кўп. Аммо шуни эътироф этиш керакки, кўп ҳолларда ана шу талантлар, янги новаторлар қаҳрамонлиги ҳақида матбуотда сийрак ёзилади, радио ва телевидение эшиттиришларида улар кам тилга олинади.

Бу ўринда машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпкининг «Совет Ўзбекистони»да эълон қилинган мақоласи диққатга сазовордир. Унда манфаатларини кўзлаб, кўпдан-кўп илгор кишиларнинг тажрибаларини оммалаштиришга қаратилган бу мақолада жиддий мулоҳазалар илгари сурилади. Жонкуяр механик-ҳайдовчининг фикрлари жуда ўринлидир. Мақолада ҳадеб икки-уч қаҳрамоннинг шахсини улуғлай бериш, бирор кишини кўтариш ва бошқаларга танитиш учун ўшанга ҳамма нарсаларни инъом этавериш, энг яхши баҳодирларни, пахтадан муттасил юқори ҳосил нўтараётган миришкорларни унутиб қўйиш жуда катта хато эканлиги тўғри таққид қилинади. Шунн назарда тутиш керакки, ўзининг новаторлик, янгилик изланишлари билан ҳатто яқин вақтларгача мана мен деган қаҳрамонлардан ҳам ўзиб кетаётган кишиларни кўра билиш, уларни қўллаб-қувватлаш, қадрлаш ва эъзозлаш, номи узоқ қишлоқлардан нарига ўтолмаётган матонатли замондошларимизни кўрсата билиш — партия, совет, комсомол ташкилотлари ва матбуот органларининг муҳим вазифасидир.

Қолоқ колхозлар билан илгор хўжаликларга турлича муносабатда бўлиш, очиқроқ қилиб айтганда сувни ҳам, қуёшни ҳам, моддий-техника ресурсларни ҳам илгор колхозларга инъом этавериб, кейинда қолаётганларга бефарқ қараш холислиқдан, объектив иш кўришдан эмас, бу ҳол ҳамма хўжаликларни комплекс ривожлантиришга, қўшимча маҳсулотлар резервини вужудга келтиришдек умумдавлат, умумхалқ манфаатларига тамомила зиддир. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми хўжаликларга раҳбарлик қилишдаги бундай практикани қаттиқ қоралади, нам ҳосилли ва жуда оз чорвачилик маҳсулотлари бераётган колхоз ва совхозларни тез ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

Иқтисодий қолоқ колхозларнинг давлат олдидаги қарзларнинг бутунлай кечиб юборилиши, уларга моддий-техника ёрдамининг кучайтирилиши, партия ва ҳукумат кўрсатаётган ёрдамлар колхоз тузумининг янги равнақи йўлида, меҳнаткаш деҳқонларнинг турмуш фаровонлигини яшнатиш соҳасида қилинаётган ленинча ғамхўрликнинг яна бир ажойиб намунасидир. Область, район партия комитетларининг муҳим вазифаси қолоқ хўжаликларни ишбилармон, шижоаткор, ихтисосли кадрлар билан мустаҳкамлашдан, уларга нисбатан муносабатни тубдан яхшилашдан ва бундай хўжаликларга оғизда эмас, балки амалда ҳар жиҳатдан ёрдам беришдан иборат.

Қишлоқ хўжалигининг бутун аҳволи учун колхозчи ва совхоз ишчисидан тортиб, ҳамма кадрларимиз, область, район партия, совет органларининг ходимлари, обком, райком аъзолари барча коммунист ва комсомоллар масъулдир. Умумий тарзда қарорлар ва буйруқлар бериш йўли билан қилинадиган раҳбарликдан, реал имкониятларни, конкрет шарт-шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда ўта маҳбуриятлар олиш, қуруқ ваъдалар беришдан, ҳайбаракаллачилик ва дабдабабозлиқдан қатъиян воз кечиш керак.

Ҳар бир ходимда топширилган иш учун масъулият ҳиссини ошириш, шуҳратпарастларни, мақмадона, вайсақиларни тийиб қўйиш, хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг ишига ҳадеб аралашаверишдек ёки уларга ўжарлик билан тазйиқ ўтказиш ҳолларига тамомила чек қўйиш, партия, давлат аппаратининг ҳамма звеноларида, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ниҳоятда зарурдир. Раҳбарлик тўғри, аниқ изчил ва конкрет бўлсин. Партия ташкилотлари кадрларимиз ҳар бир хўжалигининг бутун аҳволини, имкониятларини, экономикасини, одамларини жуда яхши билишлари, қуйидан бўладиган ташаббусни қўллаб-қувватлашлари, ҳар бир ходимнинг ўз вазифасида самарали иш олиб бориши учун энг яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Бошланғич партия ташкилоти колхоз ва совхознинг бутун сиёсий ва иқтисодий ҳаётига раҳбарлик қилувчи, омманинг юқори партия органлари билан алоқасини нун сайин янада мустаҳкамлаб борувчи жанговар звенодир. Бу звенонинг самарали ишлаши район партия комитетларининг унга қай тариқа раҳбарлик қилишига боғлиқ.

Ҳозир республикамизда кўкламги экиш оммавий қизиб кетди. Минг-минг гектарлаб ерга уруғ ташланди. Жанубий районларда кенг далалар қўмқўн либос кияпти. Аммо бутун республикамизда чигит экишнинг ҳозирги суръати кўзда тутилган маррадан анча орқада. Бутун куч, ҳамма имкониятлар чигит экишни қисқа муддатларда юқори сифатли ўтказишга сафарбар этилиши, бу соҳада прогрессив методлар кенг қўлланилиши, квадратлар аниқ бўлиши, уруғлик энг яхши ишланган ерларга ташланиши лозим.

Бутун куч — КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бажаришга! Ишда жанговарлик кўрсатайлик, хўжаликка конкрет, амалий раҳбарлик қилайлик!

КАЛИНИН районидаги Свердлов номли колхозда сунгги гектарларга маннажухори экиляпти. Чотомухонримиз И. Глауберзон шу хўжаликдабўлиб, тракторчи звено бошлиғи Жўра Сулаймонов ҳамда сеялкачи Зуҳир Муҳиддинов ўртоқларни иш пайтида суратга олган.

МИНЕРАЛ ЎҒИТ КОНИ

НАВОИЙ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга қаратилган тарихий қарорини совет кишилари ғайрат-шижоат билан амалга оширишга киришган шу кунларда Навоий химия комбинати бинокорлари ҳамда ишчи ва инженер-техник ходимлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ўрта Осиёда энг йириқ химия комбинатининг биринчи навбат цехлари қуриб битказилди ва ишга туширилди.

Навоий химия комбинати арзон ва тежамли Бухоро табиий газидан минерал ўғит тайёрлашни кенг кўламда бошлаб юборди. Шуниси мароқлики,

НАВОИЙ ХИМИЯ КОМБИНАТИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТ ЦЕХЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ

◆ ◆

Навоий химия комбинатида ишлаб чиқарилаётган ўғитнинг таннархи Фарғона азот ўғитлари заводи ҳамда Чирчиқ электрохимия комбинатида ишлаб чиқарилаётган ўғитнинг таннархига нисбатан анча арзонга тушади.

Партия ва ҳукумат топшириқларини шараф билан бажараётган комбинат бинокорлари 1961 йилдан буён 2 миллион кубометр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажардилар. 170 минг кубометр темир-бетон ётқизилди. Бир неча юз километр трубопроводлар ўтказилди. Грануляция минораси 20 кунда тикланди. Бинокорлар механика заводини ҳам жадал қуриб битказдилар. Комбинат қурилишида мамлакатимиздаги 200 корхона иштирок этди. Улар қурилишга турли-туман машина-ускуналар юбориб турдилар. Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Венгрия каби қардош мамлакатлардан технологик ускуналар олинди.

Корхона коллективи партия Марказий Комитети март Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқда. Комбинатнинг ўзида ҳосил қилинган аммиак билан дастлабки бир неча минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқарилиб, республикамиз хўжаликларига жўнатилди.

М. БАҚОЕВ.

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

БУДАПЕШТ, 3 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Венгрия Давлат мажлисининг мамлакат озод қилинган кунининг йигирма йиллигига бағишланган сессияси очилди.

Маҳаллий вақт билан соат 11ларда мажлислар зали депутатлар билан тўлди. Ҳукумат ложаларида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби, министрлар ўтиришдилар. Юбилей тантаналаридa қатнашиш учун қардош мамлакатлардан келган партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ва аъзолари, шу жумладан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси ложалардан ўрин оладилар.

Давлат мажлисининг раиси Иштванне Ваш сессияни очиқ деб эълон қилди. Сессияда Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби доклад қилди.

Шундан кейин раислик қилувчи совет партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи А. И. Микоянга сўз беради.

А. И. Микоян ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикини ўқиб берди.

Сессияда Руминия, Болгария, Чехословакия ва Югославия партия-ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ҳам нутқ сўзладилар.

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ЯҚИНИДАГИ ДАЧАДА

Покистон президенти фельдмаршал Муҳаммад Айюбхон совет раҳбарларининг таклифи билан 4 апрелда кунниг биринчи ярмини Москва яқинидаги дачада ўтказди.

Совет раҳбарлари билан Покистон президенти ўртасида Совет—Покистон муносабатларига, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтирувчи халқаро проблемаларга доир масалалар юзасидан ошкора ва бемалол суҳбат бўлиб ўтди.

Совет раҳбарлари Муҳаммад Айюбхон ва унинг ҳамроҳлари шарафига нонушта зиёфат бердилар.

Хушнудлик вазиятида ўтган зиёфат вақтида қадаҳлар кўтарилиб, нутқлар сўзланди.

(ТАСС).

ТУРМУШ ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАР

СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРИ В. В. МАЦКЕВИЧ БИЛАН СУҲБАТ

Ҳозирги вақтда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига янги вазифалар юкланди, колхозлар ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи учун бу министрликнинг масъулияти оширилди, унинг фаолият доираси кенгайтирилди. Шу муносабат билан ТАСС мухбири қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда рўй берган ўзгаришларга тааллуқли саволларга жавоб беришни сўраб, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. В. Мацкевичга мурожаат қилди.

САВОЛ. Мамлакат қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда министрлик зиммасига қандай роль топширилди ва у қандай асосий вазифаларни ҳал қилади?

ЖАВОБ. Яқин вақтларгача министрликнинг роли фақат қишлоқ хўжалик фанига раҳбарлик қилишдан, қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаб беришдан ва ветеринария хизматини уюштиришдан иборат қилиб кўйилган эди. Эндиликда эса СССРнинг иттифоқ-республика қишлоқ хўжалиги министрлиги зиммасига қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга раҳбарлик қилиш ҳамда мамлакат колхозлари ва совхозларидаги ишларнинг аҳволи учун жавоб бериш вазифаси юклатилди. Ишлаб чиқаришнинг талабларини қондириш министрлик фаолиятининг негизи бўлиб қолади.

Министрлик қишлоқ хўжалик фанига ҳали ҳам аввалгидек катта эътибор беради. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Мамлакатнинг турли зоналарида жойлашган етакчи тармоқ институтлари шу академияга ўтказилмоқда. Ватанимиз ва чет эл фанининг муваффақиятларини пропаганда қилиш, қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш билан шуғулланувчи ташкилотлар такомиллаштирилмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Министрлик олий малакали мутахассислар тайёрлаш ва олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ишларини ҳам ўз қўлига олади.

Пирик илмий тадқиқот муассасаларига эга бўлган, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари билан яқиндан алоқа қилиб турган бу министрлик ўзининг энг муҳим вазифасини амалга оширмоқ учун, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни мамлакат зоналари бўйича тўғри планлаштирмоқ ва жойлаштирмоқ учун зарур маълумотларнинг ҳаммасини олиб туради.

Шу маҳсулотларни етиштириш ҳажмига мувофиқ, министрлик техникага, минерал ўғитларга ва бошқа моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаб ва уларни тақсимлаб туради. Бутуниттифоқ бирлашмаси бўлган «Союзсельхозтехника» эса моддий фондларни реализация қилиш ва техникани марказлаштирган тартибда ремонт қилиб бериш билан шуғулланади.

Маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳар бир зонага мослаб нархлар белгилаш масалалари министрлик ишида катта ўрин олади.

Маълумки, кейинги йилларда планлаштириш ва нархлар белгилаш соҳасида катта бебошликларга йўл қўйилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш планлари фақат бир йилга мўлжаллаб тузилар эди. Шу билан бирга бу планлар бир йилда бир неча марта ўзгартирила берар эди. У ёки бу хил маҳсулотнинг нархини белгилашга уни етиштириш учун ҳақиқатан қанча меҳнат ва маблағ сарфланганлиги ҳисобга олинмас эди. Мана шуларнинг ҳаммаси колхозлар ва совхозларнинг ишини издан чиқара берди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш соҳасида уларда манфаатдорлик вужудга келтирмади, қишлоқ хўжалигининг зарар кўра беришига, давлатнинг эса маҳсулотни кам олишига сабаб бўлаверди

(Охири иккинчи бетда).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон КП Ромитан район комитетининг биринчи секретари Малик Қориевич Воҳидовнинг 1965 йил 5 апрелда тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Амударёнинг Дулдул хатлаган дарасида фан ва техниканинг мўъжизаси бўлган ажойиб кўприк қурилди. Бу кўприк орқали Бухоро—Урал газ қувурининг пўлат «ип»лари ўтган. ЎзТАГ фотомухбири А. Усмонов ана шу кўприкни суратга олибди.



ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ДЎСТ ВА МАСЛАҲАТГЎЙ

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини бутун халқимиз, шу қаторда биз деҳқонлар, қишлоқ коммунистлари зўр эътибор билан ўрганмоқдамиз Пленумнинг тарихий ҳужжатларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир жумла кишини ўйлантириб қўяди. Партиямиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги энг зарур чораларни конкрет белгилаб берди. Ҳозиргача қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди.

Халқимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни бажариш, коммунистик мўл-кўлчиликдан иборат умумхалқ ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқда партиявий ишлар савиясининг оширилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Пленум ҳужжатларида колхозсовхозларнинг бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг ролини ошириш алоҳида эътибор бериш зарур деб жуда тўғри айтилган.

Бошланғич партия ташкилоти — колхоз ёки совхознинг юраги, қишлоқда амалга ошириладиган сиёсий-хўжалик ишларнинг жанговар штабидир. Қишлоқдаги бошланғич партия ташкилотининг секретари коммунистларнинг энг яқин маслаҳатгўйи, омманинг сиёсий раҳбари, колхоз правлениесининг суянган тоғидир.

Бизнинг колхозимизда қарийб 10 йилгача пахта тайёрлаш планлари бажарилмай қолаверди. Раислар келиб-кетаверди-ю, ишда дурустроқ ўзгариш бўлгани сезилмади. Бунга албатта биз коммунистлар ҳам, қишлоқда колхознинг барча ноз-неъматларидан тўла баҳраманд бўлишларига қарамай, ялчитиб ишламаган кишилар ҳам сабабчи бўлдилар. Лекин очиғини айтсак колхозниг чўкиб қолишига кўп жиҳатдан узоқни кўрмайдиган айрим раислар, қишлоқ аҳолисини чинакам ижодий меҳнатга отлантира олмаган бошланғич партия ташкилотининг секретарлари ҳам айбдордирлар.

Район партия комитети кейинги йилларда колхозимизни раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Комсомол, партия ишида бой тажриба орттирган, одамлар ўрагига йўл топа оладиган, камтар, меҳрибон Қурбон Ҳақбердиев колхозимизга раис қилиб тавсия этилди. Биз уни жон деб қабул қилдик. Шу билан бирга, колхозимизга олий маълумотли агроном Тошканбой Ҳайдаровнинг юборилиши ҳаммамизни қувонтирди. У ёш бўлса ҳам тиришқоқ, жонкуяр, бирор нарсани тушунмаса кекса деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, етти ўлчаб бир кесадиган йигит эди. Буни тез орада ҳаммамиз пайқадик.

Тошканбой Ҳайдаров коммунистларнинг, барча пахтакорларнинг ишончини оқлаяпти. Аввало шуни айтиш керакки, секретаримиз камтар, одамларга меҳрибон, кўпчилик иши учун жонкуяр. У сира вақти билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилишдан эринмайди. Секретаримизнинг тагин бир фазилати шундаки, у камчиликларга муросасиз, принципиал иш тутади. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг ролини, обрўсини оширишда правление раисимиз Ўрток Қурбон Ҳакбердиевнинг ҳам роли катта. Нега десангиз, илгариги раислар партия ташкилоти секретарларининг кўнгилчанлиги ёки бўшлигидан фойдаланиб, уларни дастёрга айлантириб қўйган эдилар.

Янги раис янгича иш тутди. Бунга янги секретарнинг дадиллиги, ишбилармонлиги, иззиллиги ҳам сабаб бўлди, албатта. Партия йиғилишларидан бирида раисимиз Ўртоқ Ҳақбердиев коммунистларнинг масъулияти ҳақида сўзлаб:

— Ҳар бир коммунист қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар партиянинг оддий солдати, у ўзи аъзо бўлиб турган партия ташкилоти олдида ҳисобдор. Шундай экан, партия ташкилоти менинг ҳам фаолиятимни муҳокама қилиб, ҳисоботимни тез-тез эшитиб турсин,— деди.

Илгари бирор киши раиснинг камчиликларини айтгани ҳайиқарди. Нега десангиз, эски раислар ойда-доғ бўлса ҳам бизнинг ишимизда камчилик, нуқсон йўқ деб ўзларини катта олишарди. Шунинг учун ҳам баъзи коммунистлар илгариги раисларни танқид қилишдан чўчиб қолишган эди. Янги шароитдачи? Энди коммунистлар партия йиғилишларида ўз фикрларини ошкора айтишдан сира ҳайиқмайдилар.

Колхозимизда 60 коммунист бор. 88 комсомол коммунистларнинг содиқ таянчидир. Бу йил 1912 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил кўтарилди. Ваҳолонки, 1961 йилда гектаридан бор-йўғи 18 центнердан ҳосил олинган эди, холос. 1962 йилда гектаридан 24,6 центнердан, 1963 йилда эса 25,8 центнердан ҳосил олинди. Ўтган йили давлатга 185 тонна ўрнига 225 тонна сут, 39 тонна 300 килограмм пилла, кўплаб сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Коммунистлар қайси участкада бўлишмасин, авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Масалан, коммунист Норбобо Хуррамов бошлиқ бригадада 190 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йили 29,7 центнердан ҳосил олинди. Бунинг сабаби шуки, бригадир ҳам, бу ердаги коммунистлар ҳам техникага таяниб иш кўришди, одамларни кундан-кунга яхшироқ ишлашга руҳлантириб туришди.

Колхоз партия ташкилоти колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни энг муҳим вазифа деб, ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатларга тўғри қўшиб олиб бориш учун курашмоқда. Бунинг самараси кўриниб турибди. Даромад йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўтган йили колхознинг умумий даромади 2 миллион 497 минг сўм бўлди. Ҳар бир меҳнат кунига ўрта ҳисобда 3 сўм 20 тийиндан тақсимланди.

Биз бошқа колхозларда ҳам, совхозларда ҳам партия ташкилотларининг, уларнинг секретарларининг ролини ошириш керак, бунинг учун совхоз директорлари, колхоз раислари партия ташкилоти секретарини сиёсий раҳбар сифатида ҳурмат қилишлари зарур деб ўйлаймиз.

Колхозимиз аъзолари сал кам 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан бу йил қузакда 28 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб, ҳозиргача 650 гектар ерга чигит экиб қўйдилар. Гўшт топшириш ярим йиллик плани 100 процент, сут сотиш биринчи квартал плани 165 процент бажарилди. Партия ташкилоти шу ҳал қилувчи кунларда ҳам ҳар бир ишга бош-қош бўлиб турибди. Секретарь дарҳақиқат ҳар биримизнинг маслаҳатгўйимиз, энг яқин ёрдамчимиздир.

Ҳ. МУҲАММАДИЕВ,
С. АВАЗОВ,
П. ШАРИПОВ,
Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари.

ҲАЁТ ИШҚИ

ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

□ □

Платицин бош механик Алексей Анохичнинг кабинетидан чиқанда эрталабдан бери шитирлатиб ёғаётган ёмғир тинган эди. Осмон тиниқланган, қуёш ботиб, шафақ қирмизи тусга кириб қолган. Ғир-ғир эсган чўл шабадаси киши юзини сийпаларди. У бир зум энтиқиб турибқолди. Эрталабдан бери миясида ғувиллаётган ўй-ташвишлар, ичларида Алексей Анохич билан бўлган жанжаллар ҳамма-ҳаммаси унутилди. Кейин у эзиб ёққан ёмғирдан кейин хамирдай кўпчиб қолган ялангликдан оғир-оғир қадам босиб уйи томон кетди.

Хотини Полина энди қозон-товоққа уринаётган эди. У эринининг бургут қанотидай чимирилган қошидан бугун унинг иши юришмаганини сезган бўлса ҳам сўраб кўрди.

— Ҳа, эрта-индин янги форсунка берадиган бўлишдими?

— Йўқ!

— Нега энди?

— Алексей Анохич «мен нима, бўёқчини нилиманми бир пасда янги форсунка тайёр қиладиган. Бунинг учун аввал трест билан гаплашиш керак. Трест эса Тошкент экскаватор заводига заявка беради. Бу орада 15-20 кун ўтиб кетади» деган гапни айтяпти.

— Ие, тоза қизиқку, унда ойлик топширинг нима бўлади?

— Шунга ҳайронман-да.

— Ҳа, майли,— деди Полина эрини юпатмоқчи бўлиб,— кечроқ бўлса ҳам ҳар ҳолда келтириб беришга розн бўлибди-ю. Яил охиригача янги форсункадан умид қилма деб, икки оёғини битта этикка тиқиб олганида нима қилардинг.

— Аввалига шундай деди. Ленин мен ундан баландроқ келдим. Коммунистман, Алексей Анохич ваъда бердимми, бажаришим керак. Ахир йил охирида план бажарилмаса, майли, сенинг учта экскаваторинг бузилиб қолган экан деб кечиришмайдину.

Павел Андреевич унча-мунчага қизишавермайдиган, лекин бир ловулласа босилиши қийин бўлган одам эди. Агар ғап бошқа маъзуга бурилмай, шу зайлда кетаверса, овқатга ҳам қарамаслиги мумкин.

— Кел, қўй, Павлуша — деди Полина эрига табассум билан, — бўлар-бўлмасга жизғанак бўлаверасанми, ҳали ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

Павел Андреевич индамайгина жилмайиб қўйди. Ҳамма нарса хотини айтганидай бўлиб кетишига ишонган-ишонмаганини унинг афтидан билиб бўлмасди...

Эртасига Платицин участкага бориб бригада аъзолари билан шу ҳақда узоқ гаплашди. Нима қилиш керак? Йигирма кунсиз форсунка топилишига ишонч йўқ... Ниҳоят форсункалари ишдан чиққан уч экскаваторнинг ўрнини билинтирмасликка, бунинг учун машиналардан ҳар бир дақиқани тежаб фойдаланишга келишиб олишди.

Дақиқалар йиғилса минут, минутлар тўпланса, соат бўлади. Бир экскаваторчи бир минутда ўртача 1-1,3 кубометр, бир соатда эса 65 кубометр тупроқ қазиши мумкин. Шундай соатлардан тўқиз-тасини йиғилсачи? Унда нам деганда бир экскаваторчининг бир кунлик нормаси ҳосил бўлади. Бригададаги 9 экскаваторчининг ҳар бири ўз ёрдамчиси билан ғайрат кўрсатиб ишласа, кунига бир эмас, 2-2,5 соат вақтни тежаши мумкин. Улар шундай қилишди. Илгари бош экскаваторчи билан ёрдамчи экскаваторчи бир пайтда дам олгани чиқарди. Энди бош экскаваторчи дам олса, ёрдамчи экскаваторчи ишлайдиган, ёрдамчи экскаваторчи дам олганда эса бош экскаваторчи ишлайдиган бўлди. Хуллас, смена давомида машина бир зум ҳам тўхтамай ишлай бошлади.

Шу йўл билан ноябрь ойи плани ошириб бажарилди. Ҳар экскаваторчи ҳисобига 500 кубометр ўрнига 580 кубометрдан тупроқ ишлари бажарилди. Декабрнинг бошида янги форсункалар келтириб, уч экскаватор ҳам ишга туширишгачи, аҳвол тубдан ўзгарди. Йиллик топширинг 160 процент бажарилди. Платицин бошлиқ экскаваторчиларнинг довруғи бутун трестга тарқалди.

* * *

1964 йилнинг кеч кузида Жетписой массивида бўлган эдик. Чор атроф тап-тақир чўл эди. Наъра тортиб ишлаётган скрейпер ва экскаваторларнинг овози оқшом сукунатини бузиб турарди. Шунда Павел Андреевич билан нимимиз бўғотига энлик фанер қоқилган вагонетка деразаси олдида, тилла қошдек ярқираб сўниб бораётган қуёшга қараб ўтириб узоқ суҳбатлашган эдик.

Ўша гўзал куз оқшомида 3-механизациялашган ишлар бошқармаси экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи барваста қоматли, гапирганда ҳеч қачон шошмайдиган Платицининг сигарет тутган қадоқ қўлларига, чўл офтобида пишиб бронза тусига кирган юзига тикилиб маъноли сўзларини тингларканман, унинг камтар, меҳнаткаш бир одам эканлигига ғоятда ҳаёт ҳосил қилгандим...

Павел Андреевич Кустанай областида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Орадан тўрт йил ўтар-ўтмас отаси Андрей Петрович вафот этади. Павлуша онаси билан ёлғиз қолади. 1929 йилда ўн беш яшар Павел Тошкент яқинидаги қурилишлардан бирида ер қазувчи бўлиб ишлай бошлайди.

— Кун бўйи тинмасдиму,— ҳотирлайди ўша пайтларни Павел Андреевич — лекин ишнинг унуми бўлмасди. Кечгача аранг 2,5-3 кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарардим.

Уттизинчи йилларда Павелнинг машинага ишқи тушиб қолади. Аввал тўрт ойлик тракторчилик курсини, кейин эса бир йиллик механиклар тайёрлаш курсини битириб, совхозларда механизатор бўлиб ишлай бошлайди.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан то ғалаба дамларигача Павел Андреевич фронтда бўлади. Учинчи Украина фронтида хизмат қилиб, Қрим, Закарпатия, Болгария ва Руминиянн озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашади.

Мана, 18 йилдирки, у чўл кезади. Мирзачўлни боғ-бўстонга, улуғ ризқконга айлантириш йўлида қўлидан келганча хизмат қиляпти. Утган ўн саккиз йил давомида у 1 миллион 700 минг кубометрдан ортиқ ғупроқ ишлари бажарди. 40 дан ортиқ шогирд тарбиялади. Улар орасида Ф. Блях, С. Хриптов, А. Мелибоев, Т. Шамсиддинов, А. Павличев, И. Яневский, Б. Николаев каби чўлқуварлар бор. Павел Андреевичнинг тўғиғи ўғли Александр ҳам отаси йўлидан кетди. Янгиердаги бир йиллик механизация мактабини битириб келиб, ҳозир бошқармада экскаваторчилик қиляпти.

* * *

Дунёда ҳар хил одамлар бор. Уларнинг ҳаёт, бахт ҳақидаги тушунчалари ҳам ҳар хил. Миллионларнинг бири бўлган Павел Андреевич Платицининг ҳам ҳар бир нарсага ўз қараши бор. У одамларнинг яхшироқ турмуш кечиришлари, Ватанининг гуллаб яшнаши йўлида сидқидилдан меҳнат қилган кишиларнинг ҳаётнингина мазмунли ўтган ҳаёт деб ҳисоблайди. Зероки, унинг ўзи шундай қиляпти. Ҳалол меҳнат туфайли у иззат-ҳурмат топди, кўпчилигнинг эътиборини қозонди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Янгиерводстрой» трести.

КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Тошкентда Ўзбекистон ССР кутубхона ходимларининг патент адабиёти билан ишлашга, бағишланган кенгаш-семинари тўрт кун давом этди. Кенгаш-семинарда Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон вакиллари ҳам қатнашдилар.

ЎзТАГ мухбири СССР Министрлар Советининг ихтиро ва кашфиётлар давлат комитети Бутуниттифоқ патент-техника кутубхонасининг директори А. Н. Морозовга мурожаат қилиб, кенгаш-семинарнинг якунлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Патент адабиётини ўрганиш, — деди А. Н. Морозов, — конструкторлар ва ихтирочиларнинг ижодий фикрини ривожлантириш, халқ хўжалигида техникани янада тараққий эттириш учун катта аҳамиятга эга. Бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда ҳар йили неча минглаб авторлик шаҳодатномалари ва патентлар рўйхатга олинмоқда. Шу сабабли, янги механизмлар, машиналар, технология процессларини ишлаб чиқишга киришганда техниканинг у ёки бу соҳасида нималарга эришилганлигини билиш жуда муҳимдир. Конструктор ўз машинаси оригинал ва патент олишга сазовор эканлигига ҳам ишонч ҳосил қилмоғи керак. Ана шу шартларга риоя қилмаслик мамлакатимизга моддий зарар етказиши мумкин. Патент адабиётини ўрганиш ана шундай нуқсонларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бирор корхонанинг инженери техника соҳасидаги бирор янгилик устида узоқ вақт иш олиб боради ва бошқа бир корхонада ана шу вазифа кўпданоқ ҳал этилганлигини ва ихтиро учун авторлик шаҳодатномаси берилганлигини билмай қолади. Патент адабиёти фондларининг вужудга келтирилиши куч ва маблағларни тежашга, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилишга ёрдам беради.

Бутуниттифоқ патент-техника кутубхонасининг ходимлари шундай фондларни вужудга келтириш, патент адабиётини пропаганда қилиш соҳасидаги тажрибаларини ўртоқлашдилар, ахборот олиш манбалари тўғрисида сўзлаб бердилар, кенгаш-семинар қатнашчиларини ихтиро ва кашфиётларни рўйхатга олиш каталогларининг турли системалари билан таништирдилар. Кенгаш-семинар қатнашчилари кутубхоналарнинг шу соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари тўғрисида фикрлашиб олдилар. (ЎзТАГ).

ТУРМУШ ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАР

(Боши биринчи бетда)

Ҳозирги вактда бу катта хатолар тугатилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ғалла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашнинг бир неча йилга мўлжалланган, бу сафар эса олти йилга мўлжалланган қатъий планларини тузишга ўтишга қарор қилди. Бу планларни тузиш вақтида умумдавлат манфаатлари ҳам, шунингдек хўжаликнинг ички манфаатлари ҳам ҳисобга олинади. Узгарувчан, деб аталган нархлар бекор қилинади. Колхозлар ва совхозлар хўжаликни зарар кўрмайдиган қилиб юрита олишлари учун чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларининг нархлари табиий-иқтисодий зоналар бўйича табақалаштирилади.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органлари қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни тезроқ тугатиш, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини, ҳамма корхоналарини рентабелли қилиш учун заруб бўлган ҳамма чораларни кўрадилар. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси билан бирга Қишлоқ хўжалиги министрлиги фан муваффақиятлари ва илғор тажрибани умумлаштириш ва шу асосда мамлакатнинг ҳар бир зонаси учун хўжаликни юритиш соҳасида энг рационал система вужудга келтириш ишларини тезроқ битказишга уринмоқда.

Планлаштириш соҳасида бўлгани каби, бу соҳада ҳам катта хатоларга йўл қўйилиб келди. Ҳеч бир илмий негизларга ва тажрибада ҳосил қилинган далилларга асосланмай туриб экиларни, агротехника усулларини ишлаб чиқаришга бир қолипда жорий қила бердилар. Мана шуларнинг ҳаммаси, шунингдек ҳар хил асоссиз назариялар хўжалик ва давлат экономикасига оғир зарба бўлиб тушди. Ҳозир қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишдаги субъективизмни ва шаблонни тезроқ йўқотиш чоралари кўрилмоқда. Олимлар ва жойлардаги мутахассислар (фан муваффақиятларини ва илғор хўжаликларнинг тажрибаларини ҳисобга олиб) ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиясини камолга етказа бердилар. Улар ҳар бир зонада энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, энг кўп маҳсулот олиш имконини берадиган ишлаб чиқариш технологиясини қўлланиш чораларини кўрадилар.

Деҳқончилик соҳасида алмашлаб экишларни қайта тиклаш чораларини кўришга қарор қилинди, чунки кейинги йилларда кўпгина хўжаликларда ва ҳатто, бутун-бутун зоналарда алмашлаб экишлар бузиб юборилди. Уруғчиликка, шу жумладан ўтлар уруғчилигига, шунингдек табиий ўтлоқларни ва яйловларни яхшилашга катта эътибор берилади.

Чорвачилик соҳасида жамики чорва моллар орасида сергўшт ва сермаҳсул чорвалар салмоғини кўпайтиришга кўпроқ эътибор берилади. Деҳқончилик ва чорвачиликдаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш янада ривожлантирилади. Агрономлар ва зоотехниклар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш технологиясини инженерлик билан бирга ишлаб чиқишлари ва такомиллаштиришлари жуда муҳим вазифадир.

САВОЛ. Министрлик колхозлар ва совхозларга қандай раҳбарлик қилади?

ЖАВОБ. Колхозларга ва совхозларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий қишлоқ хўжалик органларига, аниқроқ қилиб айтганда эса район қишлоқ хўжалик бошқармаларига юклатилади. Министрлик тажрибаларни умумлаштириш ҳамда айрим тармоқларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга ва интенсивлаштиришга доир асосий қоидаларни ишлаб чиқиш, шунингдек асосий иқтисодий проблемаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигида бош ташкилий-колхоз бошқармаси ва совхозлар бош бошқармаси тузмоқчимиз. Колхозлар ва совхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш уларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини анализ қилиш билан шуғулланиш вазифаси ана шу бош бошқармаларга юклатилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда 9 мингдан кўпроқ совхоз ва 39,5 минг колхоз бор. Буларнинг кўпчилиги кўп тармоқли хўжаликлар бўлиб, дон ёки гўштдан ташқари анча кўп миқдорда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ҳам етиштириб бермоқда. Бироқ, ўзидаги ишлаб чиқаришни ихтисослаштираётган хўжаликлар тобора кўпаймоқда. Бу жараён бундан буён ҳам давом эта бериши табиийдир.

САВОЛ. Республикалар, областлар ва районларда министрликнинг қандай маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари тузилади? Уларнинг вазифаларн ва қиладиган ишлари нимадан иборат бўлади?

ЖАВОБ. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қайта тикланиши билан бир вақтда ҳамма республикаларда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарлик қиладиган ягона қишлоқ хўжалик министрликлари тузилади. Областлар (ўлкалар) ва районларда область (ўлка) ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари бўлади. Бундан ташқари областларнинг анча қисмида, республикаларда совхозларнинг ихтисослаштирилган трестлари тузилади.

Иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликлари составида қишлоқ хўжалик соҳасидаги илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш бошқармалари ташкил этилади. Зона ва айрим тармоқ илмий тадқиқот институтлари, шунингдек баъзи тажриба станциялари маҳ шу бошқарма ихтиёрига ўтказилади. Область (ўлка) тажриба станцияларнинг асосий қисми эса область (ўлка) қишлоқ хўжалик бошқармаларининг қарамоғида бўлади ва улар шу область ёки ўлка олдида турган илмий-амалий вазифаларни ҳал қилиш билан шуғулланадилар. Хуллас, иттифоқ министрлигининг марказдан то районгача қишлоқ хўжалигини бошқариш билан шуғулланадиган ва кенг ёйилган шохобчалари бўлади.

* * *

Пировардида шуни айтиб ўтмоқ керакки, марказда ҳам, жойларда ҳам қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ишлари тезроқ битказилиши керак.

Мамлакатда ҳозир кўкламги экиш бошланиб кетди. Бу ишни уюшқоқлик билан ўтказиш керак. Чорва қишловини муваффақиятли тамомлаш экиларни парвариш қилишни пухта уюштириш, бошқа ишларни ўз вақтида бажариш ҳам муҳим вазифадир.

Партия ва давлатнинг жуда катта ёрдами ва ғамхўрлигига жавобан, бу йилнинг ўзидаёқ мамлакатга кўп миқдорда ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бериш учун колхозларимиз ва совхозларимизнинг ҳамма имконияти бор.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан кейин

«ЭСИЗ, ШУНЧА МЕҲНАТ»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1965 йил 30 январь сонида буюмлар сифатига тақриз рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Тошкентдаги «5 декабрь» фабрикасида сифатсиз пойафзал тайёрланаётгани, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасидан чиқарилаётган айрим пальтоларнинг сифати харидорларнг дидига мос келмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи А. Умаров имзоси билан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

«Эсиз, шунча меҳнат» сарлавҳали танқидий мақола бошқармада муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғри деб топилди. «5 декабрь» фабрикасида тайёрланаётган айрим пойафзалларнинг сифатсизлиги эътироф этилди. Келгусида харидорларнинг талабига мос келадиган оёқ кийимлар тикиш чоралари кўрилди. Узбекистон ССР Давлат план комиссиясига фабрикага юқори сифатли чарм ажратиш масаласи қўйилди. Фабрика Самарқанддаги кўн заводга ўз вакилини юборди, пойафзал учун чиройли, чидамли чарм ва бошқа кўн маҳсулотлар олиш тадбирларини белгилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

● *Яқинда Қарши Давлат педагогика институтининг студентлари «Кимни маданиятли киши деса бўлади?» деган темада мунозара ўтказдилар. Кечада ўзбек тилшунослиги кафедрасининг ўқитувчиси Т. Нафасов, студентлардан О. Курбонова, А. Чориев, М. Мардонова ва М. Пардаевлар сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Мунозара гоят қизиқарли ўтди.*

Н. Бўриев.

● *Алишер Навоий номидаги Наманган музикали ва комедия театрида Ватан урушининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилишга эркатоғлар ғамхўри Бахри опа Акромова ва Шоҳмад ота Шомаҳмудовлар ҳам қатнашишди.*

М. Шамсиддинов.

● *Ўлкамизни боғ-бўстонга айлантиришда Бухоро шаҳридаги Калинин номли мактаб ўқувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Улар мактаб атрофига 2 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишди.*

В. Ваҳобов.

● *Абдулла Набиев номли Тошкент шаҳар пионерлар ўйида ўқувчиларнинг эстрада театри артистлари билан учрашуви бўлди. Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Юнус Тўраев, Федор Мордухаевлар ижро этган қуйноқ қўшиқлар пионерларга манзур бўлди. Учрашув охирида ўқувчилар меҳмонларга ўзлари тайёрлаган совғаларни тақдим этишди.*

Е. Раҳимова.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Сирдарё областидаги маҳаллий Советларда меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш қандай аҳвода эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Янгиер шаҳар ижроия комитетининг ижобий тажрибаси кўрсатиб ўтилди. Шаҳар ижроия комитети шикоятларни қараб чиқиш учун кўпинча депутатларни жалб этмоқда. Шаҳар Советининг доимий комиссиялари гражданларнинг танқидий мулоҳазаларни ўрганмоқдалар. Шу билан бирга, областдаги кўпгина маҳаллий Советлар шикоятларни текшириш ишини депутатларга ондасидагина топшираётганликлари ҳаси аниқланди.

Олий Совет Президиуми шикоятларни кўриб чиқишни яхшилаш зарур эканлигини таъкидлаб, Сирдарё область ижроия комитетининг эътиборини шунга жалб этди. Маҳаллий Советлар бу муҳим ишда депутатларга ҳамда жамоат ташкилотларига таянишлари зарур эканлиги қайд қилинди. Шундай қилгандагина ҳар бир шикоятни ўз вақтида ва объектив суратда қараб чиқиш, меҳнаткашлар сигналларининг яхши натижалар беришини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз мажлисида бошқа бир қанча масалаларни ҳам қараб чиқди.

(ЎзТАГ).

РАВОН ЙЎЛДАГИ ТЎСИҚЛАР

Фарғона сунъий тола заводи қурилиш маъмурий-лаборатория блокининг деворлари тиклаб қўйилди. Ускуналар ва материаллар сақланадиган омборлар қад кўтарди. Завод майдонига темир йўл гармоғи ўтказилмоқда. Объектларда иш қизғин.

Лекин қурилиш суръатининг кескин кўйтарилишига бир қадар салбий таъсир қилаётган тўсиқлар йўқ эмас. Масалан, республика Халқ хўжалиги кенгашининг Химия саноати бошқармаси шу йилнинг биринчи квартали учун қурилишга кам маблағ ажратди. Буининг натижасида 8-қурилиш трестининг 5-қурилиш бошқармаси завод қурилишида насияга маблағ олиб ишламоқда. Биринчи кварталга 200 минг сўмлик маблағ ажратилган бўлса, қурувчилар икки ойнинг ўзида 340 минг сўмлик иш бажариб қўйдилар. Март ойида эса яна камида 170 минг сўмлик иш бажарилди.

Ёнгинамиздаги Фарғона азот ўғитлари заводининг иккинчи навбати қурилишида эса 5-қурилиш бошқармаси бинокорлари лойиҳа-смета ҳужжатлари йўқлиги сабабли ажратилган маблағни ўзлаштира олмаётир. Химия саноати бошқармаси бизнингча, буни эътиборга олиши, маблағни реал имкониятларга қараб, иккала завод ўртасида қайта тақсимлаши лозим.

Шунингдек, қурилиш материалларининг камчиллиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Заводнинг асосий цехлари қурилиши учун йиғма темир-бетон буюмлари, темир йўл тармоғи учун рельс етишмаётир. «Главстройиндустрия»нинг Тошкентдаги биринчи ремонт механика заводи электр узатиш линияси учун металл таянчлар, металл ромлар тайёрлаб беришни кечиктирмоқда. Шу вақтга қадар республика Қурилиш министрлиги корхоналари 30 метрли махсус йиғма темир-бетон фермалар тайёрлашни ўзлаштирмаётир. Агар қурилиш бундай фермалар билан октябрь ойигача таъминланмаса, келгуси йил қурилиш планининг бажарилиши хавф остида қолади. Завод қурувчилар ҳозир равон йўлга тушиб олишган. Лекин бу йўлдаги тўсиқлар тезроқ олиб ташланса, қурилиш суръати яна ҳам тезлашар эди.

А. КИСЛОВ,
завод директорининг ўринбосари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2
6 АПРЕЛЬ, 1965 ЙИЛ
№ 79 (13.035).

Хотин-қизларимиз ҳақида

ОЛИМАЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРАДИ. НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ШУНДАЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САВИЯСИНИ ВА НАТИЖАСИНИ ОШИРИШ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДАГИ БАРЧА ТАРМОҚЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ, ФАН ЮГУҚЛАРИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРГА БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ЕРДАМ КЎРСАТИШ ФАН ХОДИМЛАРИНИНГ БУРЧИДИР.

(КПСС Марказий Комитети март Пленуми қароридан).

Ҳа, биз мақоламизга бир институт олималари деб сарлавҳа қўйдик. Чунки олималар, ихтирочи аёлларнинг сон-саноғи йўқдир. Октябрь тонгининг шуъалари қўйнида камол топаётган қиз-жувонларимизнинг ҳароратли қалби, чаққон билаклари, оташ нафаслари билан бунёдга келаётган гўзалликларни мадҳ этиб адо қилиб бўлмайди. Халқ хўжалигимизнинг қайси жабҳасига назар ташламайлик эл фаровонлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган аёлларни кўрамиз. Бу гал биз ихтирочи қизлар — химиклар билан мулоқатда бўлдик.

Мана, химия институтининг аналитик лабораторияси. Шиша идишларга қуйилган суюқликлар, тажриба ускуналари... Нечанеча изланишлар, мушоҳидаларнинг гувоҳи улар. Оппоқ халат кийиб киприкларини идишдаги суюқликка қадаган ёш олима қуюқ қошларини чимириб бир зум хаёлга толди. Аллақандай формулаларни блокнотига тез-тез ёза бошлади. Худди илҳом париларини биров қочириб юборишидан чўчигандай яна суюқлик ёнида ҳозир бўлди. Унинг лабларида табассум порлади. Ёш олима — Норпошша Юсупова ўз тажрибасининг муваффақиятли чиққанидан ғоят шод эди. «Яхши меҳнат ош устида», — дейдилар, — деди у ҳазиломуз ва бизга тажрибасининг моҳиятини гапириб берди.

И. Юсупова Урта Осиё Давлат университетининг химия факультетини тугатгач республика Фанлар академиясининг Химия институтида аспирант бўлиб қолди. У пахта мойи таркибидаги ёғ кислоталари устида илмий иш олиб борди. Ёғ кислотаси нечида, — дейди у, — тўйинган ва тўйинмаган кислоталар бор. Уларни критик ўхшашлигини аниқлаш ишини оксид углерод билан конверсия процессини ўрганиш натижасида олима камроқ энергия сарф қилиш йўли билан олиш йўлларини қидираётир. Шундай қилиб, олима деҳқонлар меҳнатини енгиллатиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида.

Табиий газлар устида ишлаш Уктамхон Абдуллаевانинг севимли темасидир. Бухородан чиққан ҳисобсиз газ бойликлари унинг илмий ишига объект бўлди. Олима саноатда ишлатиладиган табиий газдан олинадиган водороднинг арзонга тушишини таъминлаш мақсадида бош қотирди. Маълумки, ишлаб чиқаришда сувдан олинадиган буғ жуда катта энергияни талаб қилади. Табиий газнинг ики оксид углерод билан конверсия процессини ўрганиш натижасида олима камроқ энергия сарф қилиш йўли билан ҳам водород ҳосил қилиш усулини топди. Газдан СО билан водород олинади. Бу эса қишлоқ хўжалигида мураккаб ўғит ишлаб чиқаришда ғоят аҳамиятлидир. Олима химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш билан ифояланиб қолмади. Энди у ацетилендан турли нарсалар олиш устида ишлаётир. Химик қизларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, уларнинг яратиш ишқи билан яшаётганини, нафас олаётганини ҳис этасиз.

Раҳима Маннонова ҳам қишлоқ хўжалигига ўсимликлари, хусусан пахтанинг унумдорлигини ошириш соҳасида самарали ишлар қилаётир. Қишлоқ хўжалигида шу пайтга қадар азот, фосфор, калий ишлатиларди. Ҳаммамизга маълумки, азот ҳавода кўп. Ленин бу азотни ўсимликлар тўғридан тўғри ўзлаштира олмайди. Ўсимликни илдиз системаси азотни фақат биринма ҳолида истеъмол қилади. Аммиак — бу азотнинг водород билан биринишидан ҳосил бўлади. Ишлаб чиқариш процесси давомида аммиак селитрага айланади. Бу шундай қимматли ўғитки, усиз юқори ҳосилли қишлоқ хўжалигининг бўлиши мумкин эмас. Р. Маннонова микроўғитлардан фойдаланиш устида иш олиб борди. Микроўғитлардан бири бордир. Таркибида бор бўлган комплекс мураккаб ўғитларни олиш ва уларнинг физик-химиявий хусусиятларини ўрганишни изланувчан олима ўз илмий ишига мавзу қилиб олди. У азот, фосфор, калийлар билан бирга борни қўшиб олган ҳолда ўғит тайёрлаш ишига киришди. Чунки бор ўсимлик учун тўйимли озуқадир. У ўсимлик танасига тез ҳазм бўлади, пахтанинг эса барвақт очилишини таъминлайди.

Р. Маннонова учун лаборатория энг севимли даргоҳ бўлиб қолди. Изланишлар ниҳоясига етди. Натижа ёмон бўлмади. Таркибида бор бўлган микроўғитлар «Пискент», «Малик» совхозларида синаб кўрилди. Натижа олимانигина эмас, деҳқонларни ҳам бехад қувонтирди. Эндиликда буидай ўғитлар Самарқанд суперфосфат заводида тайёрланиб, ишлаб чиқаришга юборилаётир. Бундай ўғитлар ишлатилганда ҳар гектардан олинадиган ҳосил 3-4 центнер ошади, пахта эса муддатидан 3.5 кун илгари очилади.

Бутун куч-ғайратини, истеъдодини эл-юрт хизматига сарфлаб, гжойиб мўъжизалар яратаётган аёлларимиз ишини сўзлаб адо қилиб бўлмайди. Бундай ихтирочи аёллар халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида ҳам кўплаб топилади.

Э. ОХУНОВА,
К. ШУКУРОВА.

«Тошавтомаш» заводи коллективи бу йил пахтани қоп-қанорсиз ташишда қўлланиладиган 26 мингта прицеп ишлаб чиқаради. Бу эса ўтган йили тайёрланганига қараганда 5000 та кўпдир. Суратда: жўнатишга тайёрлаб қўйилган прицеплар. В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭККАНГА РАҲМАТ

Дастурхонимизни безаган ширин-шакар узум, анжир, шафтолилардан, ҳақиқдек товланувчи мевалардан татиб кўрганингизда беихтиёр «Экканнинг отасига раҳмат» дейсиз. Ҳа, бир туп ниҳолнинг волга етиши, мева бериши учун деҳқон қанча-қанча меҳрини сарфлайди.

Яқиндагина туя ўркачидек бўртиб чиққан Асака адирида ўтлаклар ўсиб ётарди. Ез жазирамасида ўтлар ҳам қовжираб, қирда қаёдган асар қолмасди. Бу ерларга ҳам деҳқоннинг қадами етди. Бир кафт тупроқни олиб эзиб кўрди, ҳосилдор ер бўлади бу. Фақат сув керак. Юз метр баландликда сув чиқармикин? Ахир машиналар, насослар борку! Деҳқон биринчи қирга уч километр, иккинчи қирга 2,5 километр узунликда катта ариқ казиди. Сув сингиб кетмасин деб остига бетон ётқизди. Ариққа сув чиқариш учун насос ўрнатди.

Мана, ўша адирнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Бугун бор-бўстонга айланди.

— Деҳқоннинг қўли гул деб шуни айтадилар-да,— дейди сохибкор Нурулла Асанов олма шохларини бутаётиб.—2 гектар олмазор, бир гектар анорзор, 3 гектар токзор, 4 гектар шафтолизор ва 5 гектар ўрикзор богимиз бор. Ўтган йили тонналаб ҳосил олдик. Бу йил эса шаҳар аҳолисига яна-да кўпроқ мева етказиб берамиз.

Илгариги бўш ётган адир энди фақат боғ эмас, кўчатзор ҳам бўлиб қолди. Шу адирда 55 минг туп тут кўчати етиштирилди. Буларнинг ҳаммаси Жўра Зухриддинов, Рустам Ашуров, Нурулла Асанов каби сохибкорлар, Фозил Йўлдошев, Аҳмаджон Қурбонов каби механизаторларнинг меҳнати мевасидир.

Абдусалом Ҳайитов бошлиқ бригада эса адирда сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқда. Бригада 27 гектар майдонда помидор, 7 гектар ерда бодринг, 5 гектарда карам етиштиради, 5 гектар ерга экилган эртаги сабзавот майса бўлиб қолди. Бригада аъзолари бу йил 1000 тонна сабзавот экинлари маҳсулоти етказиб бериш мажбуриятини олиб ишламоқдалар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига мувофиқ сабзавот етиштиришни кескин кўпайтиришга аҳд қилдик,— деди участка агрономи Эргашбой Султонов. — Колхоз правлениеси шу участкада 5 та сабзавотчилик бригадаси ташкил этди. Бу бригадалар 5 минг тонна сабзавот маҳсулоти етиштирадилар.

Шу кунларда адирдаги боғдорчилик ва сабзавотчилик бригадаларида иш қизғин кетмоқда. Токлар кўтарилянти, янги ўтказилган ниҳоллар парвариш қилинмоқда. Сабзавоткорлар эса эртаги экинларни тезроқ экиб олиш учун курашмоқдалар.

К. ФОЗИЛОВ,
Ленин районидаги «Правда Востока» колхози.

ҲИММАТ

Чорвадорларимиз биринчи квартал ғўшт сотиш планини икки барабар ошириб адо этдилар.

Марказий Комитет Пленумининг қарорига мувофиқ ғўшт харид қилиш таннархи ошириди. Совхозимиз йилнинг дастлабки тўрт ойида ҳар тонна қорамол ғўштини ўрта ҳисобда 900 сўмдан сотар эди. Қолган ойларда харид қилинган ғўшт моллариниг семиз-ориглигига қараб 700 сўмнинг нари-берисида тушарди. Чўчқа ғўшти эса йил бўйи ўртадан юқори семизликдаги тоннаси 1220 сўм, ўрта семизликдагиси 1040 сўм ва ўртадан паст семизликдагиси 832 сўмдан тушарди. Энди шу харид нархлари устига маълум процент қўшиб сотиш белгиланди. Хусусан чўчқа ғўшти 30 процентдан 70 процентгача ошириш таъкидлаб ўтилди. Бу совхозимиз экономикасини кўтаради, ишчиларимиз манфаатдорлигини яна-да оширади.

Ҳозир фермаларимизда 4 минг бош чўчқа, 200 бош қорамол семиртириб боқилянти. Жўра Султонов издошлари А. Соатов, З. Рашидов, С. Абдурашидов, Т. Нурмуҳамедов ўртоқлар кўп ғўшт етиштириш учун зўр ҳаракат қилмоқдалар. Теша Нурмуҳамедов Пленум қарорларига жавобан бу йил минг центнер чўчқа ғўшти етиштиришга аҳд қилди. Ҳозир у 450 бош чўчқа боқяпти.

В. А. АВАНЕСОВ,
Самарқанд районидаги 1-наслчилик совхозининг бош зоотехниги.

ЧОРВАДОРЛАР АҲДИ

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан бениҳоя руҳланган Нурота районининг чорвадорлари совлиқлардан кўплаб қўзи олиш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини икки беш кунликдан буён ўз қўлида сақлаб келаётган «Ғозғон» совхозида қўзи олиш айниқса намунали уюштирилган. Бу ерда ҳозиргача 16.400 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 154 тадан соғлом қўзи олинди.

Энг йирик қорақўйчилик хўжаликларидан ҳисобланган Ленин номли, «Қизилча» совхозларида ҳам қўзилатиш кампанияси авж олиб кетди. Бу хўжаликларда ҳар юз совлиқ ҳисобига 140-142 тадан қўзи олинмоқда.

Шуниси қувончлики, Нуротада ҳар 100 совлиқдан 120 тадан кам қўзи олган бирорта ҳам отар йўқ.

Нуротанинг азамат чорвадорлари бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 120 тадан қўзи олишга сўз берган эдилар. Қорақўйчилар мажбуриятдагидан ҳам кўпроқ қўзи олмоқдалар.

О. ОБИЛОВ.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ҚУРТХОНАЛАР ДЕЗИНФЕКЦИЯ ҚИЛИНСИН

Республикамиз меҳнаткашлари бу йил она-Ватанга 16,5 минг тонна пилла етказиб беришга аҳду паймон қилганлар. Бунинг учун ипак қурти боқиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни ўз муддатида амалга ошириш талаб этилади. Қуртхоналарни вақтида сифатли дезинфекция қилиш эса ипак қурти боқишни ушоқлик билан бошлаб юборишнинг имкониятини яратади.

Қуртхоналарни қандай дезинфекция қилиш керак? Бу ишни бажаришдан олдин ипак қуртлари боқилиши лозим бўлган биноларни ремонт қилиш, тозалаш зарур. Шундан кейин этажеркалар, асбоб-ускуналар ҳамда биноларнинг барча ёғоч қисмлари ишқорли иссиқ сув билан ювилиб, қуритилади. Дезинфекция қилиш учун 40 процентли формалиндан 4 процентли эритма тайёрланади.

Қуртхоналар дезинфекция қилинаётган пайтда улардаги иссиқлик ҳароратн 20-25 даража бўлиши керак. Чунки ана шу ҳароратда формалин эритмаси тез буғланади, қуртхоналдаги барча майда ҳашаротларни ва микроорганизмларни тез ўлдиради.

Формалин эритмаси билан дезинфекция қилинган биноларбир кеча-кундуз беркитиб қўйилади, сўнгра 2-3 кун давомида шамоллатилади. Дезинфекцияни бу ишга ажратилган махсус кишилар ўтказадилар.

Қурт боқиш агротехникасининг ана шу қонун-қоидаларига тўла риоя қилинаётган хўжаликларда пилладан йил сайин мўл-кўл ҳосил олинаётир. Масалан, Фарғона область, Поп районидаги Охунбобоев номли, Калинин номли совхозларнинг ишчилари ўтган йили қуртхоналарни ўз вақтида дезинфекция қилиб қўйган эдилар. Натижада қурт уруғини очириш ва парвариш қилиш учун қулай имкониятлар яратилди. Охунбобоев номли совхоз ҳар қути қурт уруғидан пландаги 50 килограмм ўрнига 61,7 килограммдан пилла топширди. Калинин номли совхоз эса 1110 қути қурт уруғининг ҳар бир қутисидан 52,5 ўрнига 60,9 килограммдан сифатли пилла олди.

Бу хўжаликларда ипак қурти парваришига бу йил ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Чунончи, қуртхоналар аллақачонлар дезинфекциядан чиқарилди.

Афсуски, баъзи хўжаликларда ипак қурти боқишда ана шу қондаларга риоя қилинмаётир. Бунинг оқибатида уруғ очириш ва ипак қуртларини парвариш қилиш муддатлари сунъий равишда чўзилиб кетмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозини кўрсатиш мумкин. Совхоз ўтган йили ҳам қуртхоналарни дезинфекция қилиш ишини чўзиб юборганлиги ва ипак қурти парваришини анча кеч бошлаганлиги туфайли пилла тайёрлаш йиллик планини аранг 84,3 процент бажарган эди. Ҳар қути қурт уруғидан пландаги 49,7 ўрнига 41,8 килограммдан пилла олинди. Совхоз пиллачилари ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олиб, қуртхоналарни дезинфекция қилишни тез кун ичида тугаллашлари керак.

Қуртхоналарни дезинфекция қилишда ОРП-1 (автомакс) пуркагич аппаратидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Колхоз ва совхозларда ипак қурти боқиладиган бинолар тўғри дезинфекция қилинса, пилладан юқори ҳосил етиштириш учун қулай имконият туғдирилади.

Ипак қурти боқиладиган биноларни дезинфекциялашда ишлатиладиган 4 процентли формалин эритмаси қандай тайёрланади?

Бунинг учун бир литр 40 процентли формалинга 9 литр сув, бир литр 35 процентли формалинга 8,86 литр сув ҳамда бир литр 30 процентли формалинга 8,67 литр сув қўшилади.

Қуртхоналарни дезинфекция қилишда формалиндан ташқари активлаштирилган 2 процентли монохлорамин эритмаси ҳам ишлатилади. Монохлорамин билан дезинфекция қилиш пайтида ҳавонинг иссиқлик ҳарорати унча баланд бўлмаса ҳам майли, лекин ҳар ҳолда иссиқлик 15 даражадан паст бўлмаслиги керак, 2 процентли монохлорамин эритмасини тайёрлашда ана шу модданинг кучини ошириш мақсадида унга аммиакли селитра қўшилади. 2 процентли активлаштирилган монохлорамин билан дезинфекция қилинганидан сўнг, қуртхоналар 6-10 соат давомида беркитиб қўйилади ва шундан кейин 10-12 соат шамоллатилади.

Активлаштирилган 2 процентли монохлорамин эритмаси қуйидагича тайёрланади:

200 грамм 20 процентли монохлорамингга 10 литр сув қўшилиб, унинг устига яна 200 грамм аммиакли селитра солинади, шунда 2 процентли тайёр эритма ҳосил бўлади. Ишлатиладиган эритмалар мутахассислар томонидан тавсия этилган даражадан кучсиз бўлмаслиги керак. Дезинфекция қилинаётган бинонинг ҳамма қисми, асбоб-ускуналар бир текисда хўлланиши зарур. Формалин ва активлаштирилган монохлорамин эритмалари фақат дезинфекция ўтказиладиган куни тайёрланиши лозим. Агар ишлатиладиган ана шу эритмалар илгаридан тайёрлаб қўйилса, ўз кучини йўқотиб юборади. Формалин билан ҳам, активлаштирилган монохлорамин билан ҳам дезинфекция қилишда 1 литр тайёр эритма 3-4 квадрат метр майдонга сепилади.

Биноларни дезинфекция қилиш пайтида противогаз ва қўлқоплардан фойдаланиш зарур. Чунки, формалин эритмаси кипининг кўзига, нафас олиш органларига зарар етказиши мумкин.

Дезинфекция ишлари тамом бўлиши билан, қурт боқиладиган биноларни оқлаш катта аҳамиятга эгадир. Чунки оқланган бинoларда ёруғлик кўп бўлади, бинолар озода бўлади. Қурт боқиладиган биноларни оқлаш учун янги ўчирилган оҳак ишлатилиб, бир қути қурт уруғи боқиладиган майдонга (бинода бир қаватли сўкчак бўлган тақдирда) 10 килограммдан 20 килограммгача ана шу оҳак сарфланади.

Яна бир неча кунлардан кейин инкубаторияларга уруғ тўкила бошлайди. Шундай экан, барча қуртхоналарни мумкин қадар тезроқ сифатли дезинфекция қилиб қўйишимиз зарур.

К. МАДАМИНОВ,
Урта Осиё ипакчилик илмий текшириш институтининг илмий ходими.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН

Юқоридан туриб «раҳбарлик» қилиш.

Бураб туриладиган механизм.

Шунақаси ҳам бор.

Тили узун.

Эсни қирчанғи отга миниб...

М. Воробейчиков ишлаган расмлар.

ЗАВОД ҚЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИЛМОҚДА

Фарғона азотли ўғитлар заводининг ишчи ва хизматчилари неча ўнлаб ҳар хил касбни биладилар. Лекин ана шу ёш коллективнинг ҳар бир аъзоси бир умумий касбни — боғбонлик касбини эгаллаб олишган. Ҳозир қўкаламзорлаш ташаббускорлари учун қизғин пайт бошланди. Заводнинг кенг территориясига мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир неча минг дарахт кўчатлари ва буталар ўтказилди. Бу кўчатлар ҳосилдорлик малҳами ишлаб чиқараётган завод ҳуснига ҳусн қўшди. Корхонанинг биринчи навбати атиги бир йил муқаддам ишга туширилган эди. Корхона коллективи бўш ётган олти гектар майдонда мевали боғ барпо этмоқда.

Шоли бир миллион сўм даромад келтиради

Ғурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг шоликорларига КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари ғоят манзур бўлди. Бу ердаги соҳибкорлар бутун мамлакатга донг чиқарган эдилар. Лекин кейинги вақтларда бу қимматли экиннинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайиб кетганлиги тасодифий эмас эди. Уч йил муқаддам бу ерда 1370 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65 центнерга етказиб шоли йиғиштириб олинар эди. Аммо кейинчалик гектар бошига 5 центнер нам ҳосил олинадиган бўлди, ўтган йили эса ҳосилдорлик 53 центнерга тушиб қолди. Масала шундаки, донни харид қилишнинг нотўғри планлаштирилганлиги жамоат ва шахсий манфаатларни бирга қўшиб олиб бориш принципини, колхозчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини бузиб қўйган эди. Колхоз 1963 йилда давлатга шоли сотиш планини ошириб бажарганига қарамай, унга жуда кўп миқдорда қўшимча топшириқ берилди. Шоликорлар меҳнат кунларига жуда нам дон олдилар, уларнинг бир қисми колхоздан кетиб қолди.

— Энди иш бошқача бўлади,— деб қувонади колхоз аъзолари билан бирга унинг раиси Нам Хин Дюн, — Марказий Комитет Пленумининг қарорлари ўз вақтида чиқарилган тўғри қарорлардир. Бир неча йилга мўлжаллаб галла тайёрлаш планининг қатъий белгилаб қўйилганлиги ва харид қилиш нархларининг оширилганлиги меҳнат унумдорлиги ва далалар ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидир.

Ҳозир шоликорларнинг ҳаммаси далаларда фидоийларча меҳнат қилмоқда. Улар ерларни текислаётирлар, кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўрмоқдалар. Шоликорлар партия ғамхўрлигига жавобан ҳар гектар ердан 60 центнер ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратишга қарор қилдилар.

Бош бухгалтер Ким Сан Чер шоли харид қилиш нархларининг оширилишидан колхоз шу йилнинг ўзидаёқ қандай фойда кўришини ҳисоблаб чиқди. Ўтган йили колхоз шоли сотишдан бор-йўғи 675 минг сўм даромад қилган бўлса, бу йил ўшанча миқдордаги шоли сотишдан қарийб бир миллион сўм даромад кўради. Бу эса шоликорларнинг янги марраларини эгаллаши учун мустаҳкам заминдир. (ЎзТАГ).

МАЛИК ҚОРИЕВИЧ ВОҲИДОВ

Ўзбекистон Компартияси Ромитан район комитетининг биринчи секретари Малик Қориевич Воҳидов 5 апрелда Тошкент шаҳрида тўсатдан вафот этди.

Малик Қориевич Воҳидов 1911 йилда Фарғона область Бағдод районидаги Янгиқўрғон қишлоғида туғилди. 1952 йилда Хоразм қишлоқ хўжалик техникумини, 1956 йилда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Республика партия мактабини тамомлади. М. Қ. Воҳидов меҳнат фаолиятини 1929 йилда Фарғона шаҳридаги пахтачилик совхозининг старший инструкторлиги вазифасидан бошлади, сўнгра райижроком масъул секретари, райижроком йўл-эксплуатация участкасининг бошлиғи, райижроком раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг маслаҳатчиси бўлиб ишлади. 1941 йилдан 1946 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди, Улуғ Ватан урушида қатнашди.

Армиядан қайтгач, Тошкент область партия комитетининг сектор мудири, Тошкент оближрокомининг секретари, Хонқа район партия комитетининг биринчи секретари, Хоразм оближрокоми раисининг ўринбосари, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг иш бошқарувчиси бўлиб ишлади, 1963 йил февралидан эса Ромитан район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади.

Малик Қориевич Воҳидов зўр ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган принципиал коммунист, меҳрибон ва сезгир ўртоқ эди, меҳнаткашлар орасида катта обрўга эга эди, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат Малик Қориевич Воҳидовнинг хизматларига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Малик Қориевич Воҳидовнинг порлоқ хотираси қалбимизда доим сақланади.

Ш. Р. Рашидов, Р. Қ. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимнин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Қ. М. Муртазоев, И. М. Нажесткин, А. С. Абдалин, С. О. Азимов, И. В. Марцинюк, Р. С. Сахибоев, П. О. Чекин, В. А. Архангельский, М. И. Мешчеркин, Н. Б. Бозоров, У. Х. Камолов, С. Ғ. Ғаниев, А. У. Сулаймонов, А. А. Абдураупов, Д. Х. Алимов, А. Н. Ступников, В. А. Юртаев, У. А. Асадов, Ф. Х. Хасанов, И. Норов, Н. Зулфиддинов, Я. Н. Наврўзов, М. Жумаев.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар.

М. Қ. Воҳидовни дафн этишни ташкил қилувчи ҳукумат комиссиясидан

Марҳум Малик Қориевич Воҳидовнинг жасади солинган тобут 6 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залига қўйилади.

Марҳум билан видолашиш учун соат 15—30 минут ўтгандан соат 17 гача киритилади. Жасад 17.30 минутда олиб чиқилади. Дафн маросими Чиғатой қабристонида ўтказилади.

М. Қ. Воҳидовни дафн этишни ташкил қилиш учун Н. М. Матчонов (раис), Р. С. Сахибоев, П. О. Чекин, В. А. Архангельский, М. И. Мешчеркин ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилсин.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

6 АПРЕЛЬ, 1965 ЙИЛ
№ 79 (13.035).

Дунё харитаси олдида

ЖАҲОН ЁШЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ЁШ ДЎСТЛАРИМГА

Барча қитъаларнинг йигит ва қизлари, шу хат билан мен сизларга мурожаат қилмоқдаман. Ҳиндистонлик кенса ёзувчининг саломини қабул қилинг. Деразалари хурмо дарахтлари ўсиб ётган Жуху қиргоғига қарайдиган Бомбейдаги кабинетимда ўтириб, сизларга, дунёнинг ҳамма бурчагидан Жазоирга, ёшларнинг бутун жаҳон слётига бормоқчи бўлаётган сиз минглаб ёшларга ҳавасим келади.

Ишонинг, бу ҳавасда заррача ҳам ҳасад йўқ. Бу ҳавас менинг ёшлигим ўтган йилларда бизнинг авлодимиз учун сизлар бугун фойдалана оладиган имкониятлар бўлмаганлигидан келиб чиқмоқда. Саккиз йил олдин, ёшлар ва студентларнинг VI жаҳон фестивали муносабати билан Москвада бўлганимда, менда худди ҳозиргидай туйғу пайдо бўлган эди. Ўшанда мен кўплаб мамлакатлардаги ёш дўстларимга «Правда» газетасида босилган хатим билан мурожаат қилган эдим. Лекин у вақтда мени улардан йиллар, ёшим ажратиб турарди, энди эса жуда катта масофа, тоғлар, саҳролар ва океанлар ажратиб турибди. Шунга қарамай, яна сизларга хат ёзгим, сизлар билан суҳбатлашгим келди, шу билан ўз шодликларимни ўртоқлашгим, самарали мунозараларда иштирок этгим келди, учрашувлар ҳаяжонини, бирдамлик туйғуларини — сизлар Жазоирда нималарни ҳис этсангизлар, ҳаммасини сезгим келди.

Ахир, сизлар бирор мамлакатдан келган айрим кишилар эмассизлар, сизларнинг слётингиз яна бир оддий халқаро учрашув эмас. Унинг аҳамияти жуда катта. 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган фестиваль каби Жазоирдаги фестиваль ҳам кишилар биродарлиги идеалларининг, кишилар биринчилигининг, интернационализм идеяларининг кўзга ташланадиган, қулоқ билан эшитса бўладиган ва сезиш мумкин бўлган тимсолидир.

Жазоирдаги учрашувингизнинг ҳеч бўлмаса географик моҳияти ҳақида ўйлаб кўринг. Сизлар каби минглаб ёшлар мовий Ўртаер денгизи қиргоғидаги бу шимолий Африка мамлакатига Ернинг турли бурчакларидан, узоқ ва яқин мамлакатлардан океанлар, баланд тоғлар ошиб келадилар. Зотан қитъаларароо реактив самолётлар даврида бундай масофаларни босиб ўтиш қийин эмас.

Ёш дўстларим, сизларни фақат масофаларни босиб ўтишингиз учунгина эмас, балки кўп хурофотларни ва тушунмасликни кўп ҳолларда эса ҳукумат томонидан қилинадиган кучли қаршиликни, сиёсий тазйиқни, дўқ-пўписаларни енгиб ўтаётганлигингиз учун ҳам сизларни табриклайман.

Сизлар, ёш дўстларим дўстлик ва ҳамкорлик учун, тинчликни мустаҳкамлаш йўлларини қидириш мақсадида ёш давлат — Жазоирга келасизлар. Жазоир яқинда озодликка эришганлиги учунгина ёш давлат бўлиб қолмай, у руҳан, революционерлари туфайли руҳан ёш давлатдир. Революционерлар империализмга қарши узоқ ва шафқатсиз кураш олиб бордилар ва ҳозирги вақтда ёшларга хос революцион ғайрат билан ўз мамлакатларини қайта қурмоқдалар. Жазоир Осиё ва Африкадаги империализмга қарши узоқ ва қаттиқ кураш олиб бориш туфайли озодликка эришган ва янги ҳаёт қуриш билан банд бўлган кўпгина халқлар учун намуна бўлиб қолди.

Жазоирдаги жаҳон фестивали жуда катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир. У олижаноб идеалларимиз амалга оширилишининг тимсоли бўлиб хизмат қилувчи тарихий воқеадир.

ХУЖА АҲМАД АББОС.
Бомбей, Ҳиндистон.

ЁШЛИК НАФАСИ

Яқинда фестивалга тайёргарлик кўриш Совет комитетининг бир группа вакиллари Жазоирга бориб келдилар. Режиссер Иосиф Туманов ёшларнинг IX фестивали бўладиган мамлакатдан олган таассуротларини гапириб берди.

Мен кўп жойларга борганман, турли мамлакатларда бўлганман. Лекин ҳозир Жазоирда ёшлик нафасини, революцион кўтаринкилигини айниқса чуқурроқ сездим. Биз қаерда бўлмайлик, кўчадами, ёки ишлаб чиқариш кооперативидами, бордами ёки корхонадами, — ҳамма жойда бизни ёшлар қуршаб оларди.

IX фестивалга тайёргарлик кўриш халқаро комитетида ҳам бўлдик. 120 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари фестивалда қатнашиш истагини билдирганликларини биэга айтиб беришди. Кўпгина ташкилотлар фестивалга кўп сонли делегация юбормоқчи. Бу эса фестиваль жаҳон ёшлари орасида катта обрўга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Бўлажак учрашувлар программаси хилма-хил ва қизиқарли. Фестивали очиш ва ёпиш байрами жуда қизиқарли қилиб ўйлангам. Учрашувларда жаҳон ёшларининг Африка ёшлари билан ҳамкорлиги куни ва Жазоир ёшлари билан ҳамкорлиги куни алоҳида ўрин тутади. Иккинчи жаҳон уруши тугаллганлигининг ва фашизм тор-мор келтирилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб оммавий томошалар ва митинглар ўтказилади.

Жазоир фестивали олдинги фестиваллар каби ўтмайди. Июль ва августда Жазоирда кундузи ҳарорат жуда юқори, ҳаво нам бўлади, шунинг учун байрам ва учрашувларнинг кўпи кечқурун бўлади. Фестиваль эгалари қизиқ программа тайёрламоқдалар. Яқинда Жазоирда халқ музикаси конкурси зўр муваффақият билан ўтди. Ёшларнинг ўнлаб ижодий коллективлари бўлажак фестивалда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун мусобақалашди. Конкурс туфайли ўнлаб ҳаваскорлик коллективлари тузилди.

Жазоирлик йигит ва қизлар жаҳон ёшларини ўз республикалари эришган ютуқлар билан таништирадилар. Саводсизликни тугатишда, мактаб таълимида, медицина хизмати кўрсатишда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилган.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

Бу суратда Лос-Анжелосдаги Калифорния банкига ўғирликка тушганлардан бирини кўриб турибсиз. У пул солинган халтани олиб, қурол ўқталганча орқаси билан юриб чиқиб кетмоқда. Ўғрининг қандай қилиб суратини олишди? Банк дирекцияси баъзи жойларга талончиларнинг суратини олишга имон берадиган махсус фотокамера ўрнатган экан. Ўғрининг сурати олинибдию, лекин пул қайтариб олингани йўқ.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

ХАЛҚ КУРАШМОҚДА

Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнамдаги «ифлос уруш»да энг янги қуроллар — «Б-57» реактив бомбардимончи самолётлар, 105 миллиметр калибрли бир неча тўплари бўлган энг янги танкларни ишлатмоқда (улар ҳозирги пайтда ватанпарварларга қарши заҳарли газларни ҳам ишга солмоқдалар— ред.). Бироқ бу қуроллар ҳам босқинчиларни ғалабага яқинлаштира олмаётир. Ватанпарварлар эса кўп ҳолларда одий ясама қуроллардан фойдаланмоқдалар. Бу қуроллар душманга қиргин келтиряпти.

Шу вақтга қадар америка-сайгон қўшинларидан ҳалок бўлганларнинг ҳеч бўлмаганда ярми партизанлар жангда ишлатаётган энг оддий кураш воситалари — тузоқлар билан йўқ қилинган. Бу тузоқлар илгари Вьетнамда уйлар ва экинларни каламуш, илон, йўлбарс ва филлардан ҳимоя қилишда ишлатилар эди. Американикилар ўзларининг портламай қолган бомбаларидан ҳам кўплаб ҳалок бўлмоқдалар. Партизанлар бундай бомбаларни меҳмонхоналар, клублар ва бошқа иншоотлар остига қўйиб, портлатмоқдалар. Америка учувчилари бомбаларни ҳеч нарсанинг фарқига бормай ташлайверадилар, туни билан тўплардан ўқ отиб чиқадилар. Партизанлар қўлланаётган қуроллар эса душман қишлоқларга ёки экинзорларга яқинлашгандагина ишга солинади. Партизанларнинг бу қуроли доимо нишонга бориб тегади.

Энг самарали қуроллардан бири «Учар тўғноғичдир». У темир тўғноғичга ўхшаб кетади. «Учар тўғноғич» турли катталикда тайёрланади. У Бамбуқдан ясалган сават бўлиб, ичига 20 килограммдан 200 килограммгача тупроқ солинади. Сават орасидан ўтда қуйдирилиб, пичоқдек ўткир қилинган узун ёғоч ўтказилади. Бу тўғноғичлар лиана ўсимликларидан эшилган арқонларга маҳкамланиб йўл ёки сўқмоқ ўтадиган жойларда ўтларнинг орасига ташланиб қўйилади. Душман «учар тўғноғич» яшириб қўйилган жойга келганда махсус сим автоматик равишда тўғноғични қўйиб юборади ёки партизанлар уни ўзлари ишга солдилар. «Учар тўғноғич» зўр куч билан йўлга отилади, ердан 20 сантиметр баландликда пириллаб айланади. Бундай тўғноғичларга дуч келган киши омон қолмайди. Агар аскарлар ерга ётиб олсалар, тўғноғич пичоғи уларнинг орқасини тилиб ташлайди, агар улар йўлга қараб қочсалар, уни ўткир қилиб қоқиб қўйилган қозиқли чуқурларга йиқиладилар.

Иккинчи жаҳон уруши даврида руслар яратган кўп стволли ракета установкаси номи билан аталган «Ўрмон катюшалари» ҳам энг хавфли қуроллардандир. Бу қурол қандай? Ёш дарахтнинг учини эгиб, ерга ёки бошқа бир дарахтга маҳкамлаб қўйдилар. Сўнгра иккиуч партизан дарахтни ёй ипи вазифасини бажарувчи тропик ўсимлиги таранг тортилгунча эгадилар. Бу улкан ёйда 20 га яқин ўқ бўлиб, у шундай ўрнатиладики, ўқлар 20 сантиметрдан 2 метргача баландликда визиллаб ўтади. Бундай «катюша»лар йўлнинг икки томонига ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилади. Уларнинг орасига «Учар тўғноғич» ва «Овозсиз бомба»лар ўрнатилади. 2-3 та огир гўла бирбирига боғланиб, унга бамбуқдан қилинган ханжарлар маҳкамлаб қўйилади. Бу «овозсиз бомба» душманнинг устига тушади.

Шундай қилиб Жанубий Вьетнамда энг оддий, примитив қуроллар, шу билан бирга замонавий механизмлар ишлатилмоқда. Хар-санг тошлар ишлатиладиган оддий қуроллардан бирини мен Америка артиллерия установкасининг номи билан «Онест Джон» деб атаган бўлардим. Озодлик урушининг шу ерлик ветераниларидан бири менга тушунтириб беришича, «катталиги бўқадек келадиган» харсанг йўл четига, оралиғи тахминан бир километр қилиниб, улкан Бамбук дарахтлари танаси устига қўйилади. Тошни туширишга юборадиган мослама ишга тушгач, йўлга юзлаб тонна тош шундай куч билан отиладики, у автоколоннани абжақ қилиб ташлашга қодирдир.

1960 йил мартида жазо отряди Куанг-Нгай вилоятининг Сон Ха районидаги қишлоқни қўлга киритиш учун дарёдан ўтишга уринди. Дарёда белигача сувда турган солдатлар бирдан бақириб юборишди ва йиқила бошладилар. Агар улар-га ёрдам етиб келмаса, кўпчилиги чўкиб кетади. Лекин қутқаришга келганлар ҳам бақириб, оғриқдан букчайиб қолишди, чўкиб кетмаслик учун бир-бирларига ёпиша бошладилар. Жазо отряди Кор қабиласидан Фо Ня деган талантли жангчи кашф қилган янги қурол «чонг-гяй»га дуч келган эди. Бу қурол тиканли арқондир. Бамбук тикони қўшиб арқон мустаҳкам қилиб эшилади. Бу қуролни ўрнатишда тиконнинг бири дарёнинг остига санчиб қўйилади. Бирор киши «чонг-гяй»ни босиб олса оқим кучи билан тиканли арқон у кишини ўраб олади. Ундан қутилишга қанча уринса, тиканлар шунчалик кўпроқ санчилади. Фо Ня тайёрлаган тузоққа тушиб қолган отряд 46 кишидан ажралиб, чекинишга мажбур бўлди.

Америка империалистлари ва сайгон ҳукмдорлари Жанубий Вьетнамдаги «ифлос уруш»да турли усулларни қўлланмоқдалар, экинларни йўқ қилиб юборяётирлар. Озод қилинган районлардаги бутун жонзотга ҳужум қилиш билан бирга ҳаво қароқчилари далаларга напалм бомбалари ташламоқдалар, шолипояларга, боғларга, полизларга заҳарли моддалар сепмоқдалар...

Озодлик фронти жангчилари душманга қарши курашда турли қуролларни ишлатишларини «инсонпарварликдан эмас» дейишлари мумкин. Ҳўш, бутун қабиларини очлиққа маҳкум этиш мақсадида экинларни куйдириб ташлашни «инсонпарварлик» дейиш мумкинми?

Тоғликлар ўзаро тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар, улар ўз маҳоратларини водийларда яшовчи вьетнам деҳқонларига ўргатмоқдалар. Бунинг натижасида тузоқлар сони ва уларнинг хиллари кўпайиб бормоқда.

«Америка империалистлари дейди.—озодлик урушининг ветерани, Озод қилиш Миллий Фронти Марказий Комитетининг вице-президенти Ибих Алео, — бизни қайвонлар учун ишлатиладиган тузоқларни йиртқич одамларга қарши мослаштиришга мажбур қилди». Партизанларнинг ёш командирларидан бири мен кўп турли тузоқларни кўриб ҳайрон қолганимни билиб, шундай деди: «Бизнинг қуролларимиз тузоққа отмайди, буни ўзингиз кўриб турибсиз. Душман агрессорлик қилиб, тузоқларимизга ўзи яқинлашиб келади. Душманлар бизнинг қуролларимизнинг кучи етадиган доирага минглаб километр йўл босиб, денгизлар ошиб ўзлари келадилар. Биз бу қуролларимизни уйларимиз, далаларимиз атрофига қўямиз. Агар душман бизга яқинлашмаса, унга зарар етказилмайди. Агар у ўлдириш, талаш учун уйимизга келадиган бўлса, у катта талофат кўради».

Бутун халқ курашга отланган тақдирдагина, у жипслашсагина, озодликка эришиш йўлида қудратли куч бўлиб майдонга чиқсагина ана шундай қуроллар яратилиши ва кенг қўлланилиши мумкин.

Озод қилиш Миллий Фронтининг жангчилари ҳозирги пайтда душманга қарши фақат шундай қуроллар билангина жанг қилаётир. Ҳозирги пайтда полклар даражасида яхши ташкил этилган озодлик армияси пиёда ҳаракат қиладиган армия даражасида қуролланган. Кучайтирилган роталар, взводлар ҳам борки, улар огир пулемётлар, миномётлар ва тўплар билан қуролланган. Бу қуролларда эса «АҚШда ясалган» деган тамға бор.

Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг халқ қуроли яратиш соҳасидаги тажрибаси, оғасиз, бошқа мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракати учун фойдали бўлади.

Уилфред БЭРЧЕТТ,
Австралия журналисти.
(АПН).

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Болгарияда дарахт ўтқазишга бағишланган традицион ҳафта бошланди. Минглаб меҳнаткашлар кўчат ўтқазишга киришдилар. Бу йил янги кўчатлар ўтқазилган майдон ўтган йилдагига нисбатан қариб икки баравар кўпаяди ва 50 минг гектарни ташкил этади. Халқ хожалиги йиллари давомида ҳаммаси бўлиб 760 минг гектардан кўпроқ майдонга дарахт кўчатлари ўтқазилди.

⊙ Араб мамлакатларида саводсизлик кўпи билан 15 йил ичида тугатилсин. Араб мамлакатлари иттифоқининг бош секретариати шундай вазифани амалга оширишга киришди. Бу мақсадга эришмоқ учун тузилган лойиҳада барча араб мамлакатларида ўзининг бўлимлари бўлган маҳаллий араб ташкилотини тузиш кўзда тутилади.

⊙ Англия шу асрда ҳеч қачон сувга ҳозиргидек кўп муҳтож бўлмаган эди, деб ёзади «Санди Таймс» газетаси. Бу йилги қиш жуда қуруқ келди. Шу сабабли ҳатто ёғингарчилик одатда энг кўп бўладиган пайтда ҳам кўп районларда сув етишмай қолиши хавфи бор. Шимолдаги Йоркшир районидан жанубдаги Эссекс районигача олти районда сув истъемол қилиш чеклаб қўйилди. Бошқа районларда ҳам сув истъемол қилиш мана шундай чеклаб қўйилиши кутилмоқда. Темза дарёсидаги ва бошқа дарёлардаги сувнинг тақчиллиги ярми қолди.

⊙ Австрия полициясининг Кюмель деган студентни қамоққа олди. У 31 мартда Венадаги намойиш вақтида антифашист Кирхвегерни ўлаги қилиб жароҳатлаганлигига иқрор бўлди. (ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ТАСС МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

АМЕРИКА САМОЛЁТЛАРИ ХАНОЙ РАЙОНИДА

4 апрелда Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикаси осмонига бостириб кирди. Вьетнам пойтахти зарбани қайтаришга шайланиб турган эди. Авиация, зенит қисмлари, ўз-ўзини мудофаа отрядлари жангга ҳозирландилар. Лекин 20 минутдан сўнг тревога тўхтатилганлиги тўғрисида сигнал берилди. Америка самолётлари Ханойга етиб келолмай қайтиб кетишди.

Худди шу кунк Американинг реактив бомбардимончи ва қирувчи самолётлари Тхань-Хоа вилоятига яна ҳужум қилишди. Вилоятнинг маркази ва унинг атрофи бетартиб бомбардимон қилинди. Бир неча самолёт уриб туширилди.

Яна бир хабарда айтилишича, кеча, 3 апрелда Америка авиацияси Тхань-Хоага ва 17- параллель районидаги Кон Ко оролига ҳужум қилган вақтда 18 та самолёт уриб туширилган.

ХАТАРЛИ ТИЛ БИРИКТИРИШ

Токиода ўтказилаётган Япония-Жанубий Корея музокараларида Япония ва Жанубий Корея вакиллари «икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш» мақсадини кўзловчи бир қанча ҳужжатларни келишиб олганлар.

Япония ва Жанубий Корея ҳукмрон доираларининг тил бириктирганликларини қайд қилувчи бир қанча янги ҳужжатлар имзоланганлиги Японияннинг демократик жамоатчилигини ғазаблантирди. Социалистик партиянинг норозилик баёнотида бу ҳужжатларнинг имзоланишига Американинг Шарқи-Шимолий Осиёда ҳарбий блок тузиш планларини амалга ошириш йўлида қўйилган навбатдаги қадам, деб баҳо берилмоқда.

ЛАОС УСТИГА БОМБАЛАР ЕҒДИРИЛМОҚДА

«Патет Лао овози» радиостанцияси хабар беради: 19 мартдан 28 мартга қадар ўтган давр ичида Америка самолётлари Лаоснинг ватанпарвар кучлари назорат қилиб турган Хкаммуан вилояти (Марказий Лаос) районларини неча марталаб бомбардимон қилдилар ва ўққа тутдилар. Жумладан 28 мартда Лак-сао ва Нам-Куанг районлари бомбардимон қилинди ва реактив снарядлар билан ўққа тутилди.

ҚЎШМА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

БЕРЛИН, (ТАСС). АДН агентлиги хабар беради: Германия Демократик Республикасининг территориясида Берлиндан ғарбда Германия Демократик Республикаси миллий халқ армияси қўшинлари билан Германиядаги Совет қўшинлари группаси 5 апреллдан 11 апрелга қадар қўшма ҳарбий машқ ўтказадилар.

Ҳарбий машқ планида ҳар хил турдаги қўшинларнинг мураккаб шароитдаги вазиятда жанговар ҳаракатлар қилиб бир-бирларига кўмаклашиб иш олиб боришларини такомиллаштириш кўзда тутилади.

АДН агентлигининг хабарида айтилишича, бу машқлар қишки таълим даврида қилинган ишларнинг синови бўлади.

ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 5 апрель. (ТАСС). Жанубий Вьетнам партизанлари бугун Сайгоннинг Жанубида ҳукумат қўшинлари бўлинмасига ҳужум қилдилар. АП агентлиги мухбирининг Жанубий Вьетнам пойтахтидан хабар беришича, ҳукумат қўшинларидан 9 киши ўлдирилган ва 5 киши ярадор қилинган.

СССР терма командасининг ғалабаси

РИМ, 5 апрель. (ТАСС). СССР терма футбол командаси Италиядаги учинчи, сўнгги матчни Италиянинг иккинчи лигасида қатнашувчи Модена маҳаллий командаси билан ўтказди ва 4:1 ҳисоби билан ғалаба қилди.

Ҳисобни Ҳусаинов очиб берди. Шундан кейин Казаков 35- минутда иккинчи тўпни ва Воронин 43- минутда учинчи тўпни киритди. Ўйиннинг иккинчи қисмида майдон эгалари 11 метрдан штраф тўпини уриб киритдилар, сўнгра эса... ўз дарвозаларига тўп киритдилар.

СССР терма командаси бугун самолётда ўз ватанига учиб кетади.

● ● ●

Капитал ҳуки сураётган мамлакатларда санъат ходимларидан камдан-кам кишигина яшаш учун етарли пул топади. Музикачилар, артистлар, рассомларнинг кўпчилиги жуда кам маош оладилар. Улар қўшимча равишда бухгалтер, официант ва бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўладилар. Кўпинча рассомнинг ижодий фаолиятини цирк томошасига айлантириб юборадилар. Испаниянинг Барселоне шаҳри кўчасида олинган бу суратда ёш рассомларни кўриб турибсиз. Улар «тезкорлик» конкурси қатнашчиларидир. Бундай «тезкорлик» билан тасвирий санъатда чинакам асар яратиб бўлармикин!

ТАСС фотохроникаси.



МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲУЖУМ

ҚОҲИРА, 5 апрель. (ТАСС). Арабистон ярим ороли Жанубий миллий озодлик фронтининг Қоҳирадаги доимий вакиллиги жанубий Арабистонда Англия мустамлакачиларига қарши ҳаракат қилаётган қўзғолончилар отрядлари қўмондонлигининг ахборотини эълон қилди. Ватанпарварларнинг отрядлари, дейилади ахборотда, Дали районидаги душман ҳарбий лагерига муваффақиятли ҳужум қилдилар. Инглиз солдатларидан икки киши ўлдирилди ва уч киши жароҳатлантирилди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ЧИЁН ИЗИДАН

Даладан қайтаётган эдим. Уйга яқинлашганимда «қирт», «қирт» товуши диққатимни жалб этди. Деразадан тушиб турган электр нури ҳовлини хира ёритган. Товуш яна такрорланди. Уйдан чўнтак фонарни олиб чиқдим.

Шунда бир воқеа мени ҳайратда қолдирди: Чумчуқдек келадиган қурбақа думини гажак қилиб олган чиённи қувиб келарди. Нима бўларкин деб, кузатиб турдим. Шу пайт улар орасида бир қаричча масофа қолган эди. Қурбақа ўзини очиб чиёнинг думидан тишлаб олиш учун ташланди. Чиён тўхтаб «қирт», «қирт» товушини чиқарди ва яна қоча бошлади.

Афсуски чиён деворга яқинлашиб қолган эди. Мен уни тутиб ўлдирдим. Бу ҳодиса мени қурбақалар чиёнинг қушандаси экан, деган хулосага олиб келди.

К. БОЙНАЗАРОВ,
Самарқанд районидаги 36-мактаб ўқитувчиси.

МУРОСАСИЗЛАР СИГНАЛИ

«БИЛЕТ ДЕСАНГ ТУШ...»

«ТША-90-48» номерли автобус катта йўлнинг чеккасида тўхтади.

Йўловчилар нима гап дегандек, бир-бирларига қарашди. Машина бузилмадимикан? Йўқ, афтидан шофер Владимир Мосоловнинг «дили бузилганга» ўхшарди:

— Қани, тез-тез пулни узатинглар!— деди у.

Пул берганлар билет талаб қилишди:

— Билет йўқ!—

— Нега?

— Контроль чиқса нима қиламиз!

— Билет деганлар машинани бўшатиб қўйсин!— Шофер зарда билан машинага газ берди.

Яқинда Тошкент—Самарқанд маршрутида қатнаётган автобуслар текширилди. Жамоатчи контролёрлар шофер Владимир Мосолов кассасидан 33 сўмдан ортиқ пул, ҳамда 34 та қайта сотилган билет топдилар.

Шу маршрутда қатнаётган «ТША-81-23» номерли автобус шофери Н. Ф. Семеничев кассасидан 23 сўм ошиқ пул чиқди. Шофер етти йўловчига билет бермаган. Шунингдек, Самарқанд — Тошкент маршрутида қатнайдиган «ТША-90-48» номерли автобус шофери Г. К. Рейнфельд, Тошкент — Бухоро маршрутида қатнаётган шофер Д. И. Маликовлар ҳам йўловчиларга билет бермай, пулни ўзлари олганликлари аниқланди.

Тошкент область Автотрестига қарашли 69-автобаза раҳбарлари бундай юлғичшоферларга қарши жиддий курашмаётгани кишини таажжубга солади. Коллективга доғ тушираётган бундай шахсларнинг жиловини тортиб қўйиш уларнинг бурчи эмасми?

Ҳ. ҚОДИРОВ,
Т. ОРТИҚОВ.

ТИНГЛАНГ ТОМОША КИЛИНГ

Радио

6 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар. 9.30 — Симфоник рақслар. 9.50 — Тожик тилида суҳбат. 10.10 — Композитор Баланчивадзе асарлари. 10.30 — Опералардан парчалар. 11.10 — Келажак разведкачилар иши (рус.). 11.25 — Концерт. 12.15 — Спорт эшиттириши. 12.30 — Концерт. 13.40 — Енгил куйлар (рус.). 16.15 — Маданият радиоуниверситети. 18.00 — «Алангали йиллар қиссаси». 18.30 — Ўзбек балетларидан рақслар. 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — Катта химия одимлари (рус.). 20.10 — Опера куйлари (рус.). 20.45 — Ўзбекистон КП МК XIII Пленуми қарорлари амалда. 22.10 — Ўзбек қўшиқлари ва рақслари. 22.40 — Н. Сафаровнинг «Снайпер» ҳикояси (рус.). 23.20 — Маҳом кечаси.

Телевидение

6 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар. 18.25 — Гўзаллик оламига саёҳат (катта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун). 19.00 — Забайналлик маккажўхорикор (ҳужжатли фильм). 19.20 — Концерт (бадиий ҳаваскорлар ижросида).

20.30 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.35 — Телевизион янгиликлар. 20.55 — А. И. Миноян Ҳиндистон, Бирма, Афганистонда (ҳужжатли фильм). 21.05 — Қурилиш индустрияси—янги қурилишлар юраги (саноат ходимлари учун). 21.25 — Реклама ва эълонлар. 21.30 — Куппа-кундуз тун (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Третьяков галереяси бўйлаб (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — Тошкент янгиликлари. 18.45 — Спорт кундалиги. 19.10 — Юта, бардам бўл (телефильм). 20.15 — Бизнинг Наманган (телеочерк). 20.25 — Ганчкорлик (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Дарахтлар катта бўлиб кўринганда (бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да Ҳамза, 7/IV да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да Қонли сароб.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да Ўғил уйлантириш.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6, 7/IV да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов раҳбарлиги ва иштирокида Хоразм ансамбли-нинг концертлари. Билетлар сотилмоқда.

Кино

Севги деб (1 ва 2-серия) — «МИР», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6-15 минут ва 9 да).

Рельслар орасида — СОБИР РАҲИМОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1 ва 2 яримда).

Утган йўлингга боқ — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 9 яримда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 4 дан).

Федька — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

6 апрелда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Сарвар Азимов асари

Юлдузлар жамоли

2 пардали драма.

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. О. Гинзбург ва СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Олим Хўжаев, рассомлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. В. Ушанов ва А. А. Шибаев, композитор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Икром Анбаров.

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

7 апрель кеч соат 6 да «А» класси (2-подгруппа) бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:

«Динамо» (Таллин) — «Политотдел» (Тошкент область) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

6 апрель кундуз соат 5 яримда дублёр составлар «Политотдел» стадионида ўйнайди.

Билетлар сотилмоқда.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226. Пропаганда — 27221. Саноат қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши —33258. Қишлоқ хўжалик—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08542. ИНДЕКС 64543 № В. 79.